

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Диншунослик ва жаҳон динларини
киёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси
мудири _____ т.ф.н., доц. Н.Мухамедов

« _____ » _____ 2012 йил

Ғаниева Ҳилола Абдумаликовна

**Мавзу: АБДУЛВАҲҲОБ ЗОҲИДНИНГ ”ҲАЁТ АЛ-АИММА АЛ-
АРБАЪА” АСАРИДА МАЗҲАБЛАР ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган

битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: ўқит. С.Саиджалолов

Тақризчи: т.ф.н., доц. Д.Раҳимжонов

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ФИҚҲИЙ МАЗҲАБЛАРНИНГ АСОСЧИЛАРИ.....	9
1.1 Исломда мазҳабларнинг юзага келиши.....	9
1.2 Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит.....	19
1.3 Молик ибн Анас.....	26
1.4 Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий.....	33
1.5 Аҳмад ибн Ҳанбал.....	39
II БОБ. МАЗҲАБЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	46
2.1 Ҳанафий мазҳаби.....	46
2.2 Моликий мазҳаби.....	53
2.3 Шофеъий мазҳаби.....	56
2.4 Ҳанбалий мазҳаби.....	60
ХУЛОСА.....	66
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	70

Кириш

Ер юзида мусулмончилик пайдо бўлгандан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олиму уламолар, ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келган. Уларнинг бой илмий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш, замонавий билимлар, бугунги ҳаёт талабларидан келиб чиқадиган тажрибалар билан бойитиш зарур. Бу улуғ меросни аввало ўзимиз учун, келажак авлодлар тарбияси учун беқиёс маънавий озуқа деб билмоғимиз даркор¹.

Ислом Каримов

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди². Авваллари ўз ўтмиши, тарихи, ота-боболари қолдирган меросни ўрганишдан маҳрум бўлган халқимиз эндиликда мазкур аллома аجدодларининг ҳаёти ва бебаҳо ижодларини ўргана бошлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миқёсида миллий маънавий меросни ўрганиш соҳасида шу қадар унумли иш қилиндики, бу аввалги 100 йилга яқин даврда олиб борилган тадқиқотлардан бир неча баробар кўп эди.

Республикамызда маънавий-маърифий соҳани, таълим ишларини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёزلарни бериш тўғрисидаги 2003 йилнинг 22 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 364-сонли Қарори мазкур йўналишда олиб борилаётган муҳим қадамлардан бири бўлди.

¹Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулоқот” журнали 1998 йил.

²Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Ж. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

Жамиятни маънавий юксакликка кўтариш, комил инсонни тарбиялаб етиштириш, келажакка мустаҳкам пойдевор тайёрлаш ўзбек халқининг азалий орзуси бўлган. Айниқса, истиқлол даври миллий мустақиллик мафкураси янги авлод маънавий камолотини тақозо этади. Бунинг учун эса Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек, “Халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди”³. Юртбошимиз тарихчи олимлар билан қилган суҳбатларида “ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас” дея таъкидладилар⁴.

Тарихда шундай улуғ мутафаккир боболаримиз яшаб ўтганларки, улар ўз даврлари учунгина эмас, балки келгуси авлодлар учун, келажак замон ва даврлар учун маънавий куч-қувват манбаси бўлган бебаҳо мерос қолдирганлар. Абу Наср Фаробийнинг фалсафага, ал-Хоразмийнинг ҳисоб илмига, Абу Али ибн Синонинг тиббиёт илмига, Абу Райҳон Берунийнинг аниқ фанлар ва тарихга доир асарлари ва яна ўнлаб олиму фозил аждодларимизнинг илмий, адабий ва ахлоқий мерослари ўз даврларидан кейин ҳам дунё халқларига йўл кўрсатиб келётганлигини бугун жаҳон жамоатчилиги бир овоздан эътироф этмоқда⁵. Диёримизда асрлар давомида шаклланган ва ривожланган ҳуқуқий тизимлар, ҳанафий мазҳаби ва бошқа мазҳабларнинг тарихи, пайдо бўлиш сабаблари, моҳияти ва аҳамиятига бағишланган асарлар ҳам шулар жумласидандир. Эътиборли тарафи, Марказий Осиёда ҳанафий мазҳаби тараққий этиб, бу мазҳаб доирасида шу қадар кўп фақиҳ олимлар чиқдики, ҳатто бир вақтнинг ўзида, айнан бир шаҳарда бундай уламолар минглаб топилар эди. Улар ўз илмлари билан атрофга зиё тарқатиб, ўзларининг бор салоҳиятларини намоён қилдилар. Масалан, Аллома Қазвинийнинг

³ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон. 1998. – Б. 6.

⁴ Каримов И.А. Тарихчи олимлар билан суҳбат. “Мулоқот” журналининг 1998 йил, 5-сон.

⁵ Ҳасанов. Ш. Маҳмудов Л. Олам узра тарқалган ислом. Т: ТИУ. 2002

таъкидлашича, XII-XIII асрларда ханафий мазҳабига мансуб 6000 бухоролик фақиҳ “Оли Моза”⁶ оиласи аъзолари ҳимоясида фаолият кўрсатган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида виждон эркинлигининг том маънода таъминланиши сабаб, дин ва эътиқод масалаларини илмий жиҳатдан ўрганиш йўлга қўйилди. Хусусан, исломдаги йўналиш, мазҳаб ва оқимларни тадқиқ ва таҳлил этишга бағишланган бир қанча адабиётлар, рисоалар нашр юзини кўрди. Бу борада илк бора мазкур масалаларни тизимли ёритган асар сифатида З.Хусниддиновнинг “Ислом: йўналишлар, мазҳаблар ва оқимлар” номли ўқув қўлланмани эътироф этиш мумкин. Мазкур китоб асосан мазҳаблар, халқ оммаси орасида диний жаҳолатга қарши кураш, динни ўзларига ниқоб қилиб олган баъзи гуруҳларнинг салбий таъсирлари олдини олиш бугунги кундаги исломшунослик олдида турган энг муҳим вазифаларга бағишланган.

Ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг “Ислом ҳуқуқшунослиги” китоби ўқувчиларга ислом ҳуқуқи, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари тўғрисида батафсил маълумотлар беради. Китобнинг иккинчи қисмида ханафий мазҳабига илмий-ҳуқуқий ва тарихий нуқтаи назардан очиқ берилган бўлиб, унинг биринчи бобида шу мазҳабнинг асосчиси Абу Ҳанифанинг ҳаёти, илмий фаолияти, шахсияти, устозлари ва замондошлари, дунёқараши ва сиёсий қарашлари устида тўхтаб ўтилган⁷.

Булардан ташқари С.Оқиловнинг “Суннийлик таълимоти” номли ўқув қўлланмаси ҳам исломдаги йўналиш ва мазҳаблар ҳақида бўлиб, мазкур ўқув қўлланмада ислом динининг дастлабки даврлариданок

⁶ Жўзжоний А.Ш. Марғиноний ва унинг издошлари. - Т., 2000. - Б. 4.

⁷ Жўзжоний А.Ш.. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. -Т.:Тошкент ислом университети нашриёти. 2002

мусулмонлар орасида юзага келган турли ақидавий ихтилофлар ҳақида маълумотлар берилган.

Васлий Самарқандийнинг “Имом Аъзам тарихи” китоби академик Алибек Рустам масъул муҳаррирлигида нашр этилган ва ханафий мазҳаби асосчиси Имом Аъзам Абу Ханифа Нуъмон ибн Собитга бағишланган. Мазкур асарни ўз даврининг олим ва мударрисси, шоири Саййид Аҳмад Васлий Самарқандий Шаҳобиддин Аҳмад ибн Ҳажарнинг "Ал-ҳайроту-л-ихсон" асари таъсирида таълиф этгани манбаларда қайд этилади.

Абдуваҳҳоб Халлоф “Усулул фикҳ” китоби таниқл олим Салоҳиддин Муҳиддин томонидан таржима этилиб, нашр қилинган. Мазкур китоб фикҳнинг муҳим қисми бўлган усулул-фикҳ, яъни фикҳ асосларига бағишланган.

Шунингдек, А. Ҳасановнинг “Ислом тарихи” китоби гарчанд ислом дини аҳкомларининг шаклланиш тарихи ва тадрижий тараққиёти, унинг Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий, маданий ва хусусий ҳаётидаги роли, ўрта асрларда юртимиздан чиққан алломаларнинг асарлари исломий илмлар тараққиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллагани ҳамда ҳозирги замон концепциялари, уларнинг ғоявий асосларига бағишланган бўлса-да, аммо мазкур дарсликда исломдаги мазҳаб ва оқимлар ҳақида ҳам тўлақонли маълумотлар мавжуд.

Ульрих Рудолфнинг "Ал-Мотрудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти" номли китоби ҳам бу мавзуга алоқадор бир қанча маълумотлар билан таништиради. Мазҳаблар тарихига бағишлаб ёзилган китоблар, қўлланмалар, мақолалар нафақат ўзбек тилида балки рус ва инглиз тилларида ҳам етарлича учратиш мумкин. Масалан, Муҳаммад Али Қутб муаллифлигида ёзилган “Основатели четырёх мазхабов” номли рус тилидаги адабиёт ҳам тўрт мазҳаб вакиллари, уларнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида батафсил маълумотларни тақдим этади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишидан кўзланган асосий мақсад, Абдулваҳҳоб Зоҳиднинг “Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа” асарининг тадқиқ ва таҳлил этиш билан унинг мазҳаблар тарихи ва фикҳидаги аҳамиятини кўрсатиб беришдир. Бу асарда нафақат мазҳаблар, балки ҳадис ва ислом фикҳига ҳам алоҳида боб ажратилиб, мазкур масалалар ўрганилиб, таҳлил этилгани катта эътиборга лойиқдир.

Мазкур маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилиш биз ёшларнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: “Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг кўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбида, керак бўлса қудратида”⁸. Биз ҳам мана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, аجدодларимизга муносиб ворис бўлиш, улардан қолган бой маънавий меросларни ўрганиш ва келгуси ёш авлодларимизга қолдиришни энг муҳим вазифаларимиздан деб биламиз.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Нега деганда, ўзимиз – бугун шу юртда яшаётган

⁸ Каримов И.А. Ирода ва иймон – эътиқодимиз синови // Озод ва Обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т. Ўзбекистон, Ж. 8. – Б. 16.

ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммамизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди”⁹.

Тадқиқот натижаларининг аҳамияти. Мазкур малакавий битирув ишини ёзиш жараёнида “Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа” асарининг таркибий тузилиши кўрсатиб берилди. Шунингдек, тўрт мазҳаб соҳиблари ҳаёт-фаолияти, насаблари, хулқи, илм олишлари, устоз ва шогирдлари, уламолар орасидаги мартабалари ва вафотлари, кейинги бобда эса улар фойдаланган усуллар ва муснадлари ҳақида батафсил маълумотлар учрайди. Мазкур малакавий битирув ишидан келажакда магистрлик диссертациялари ёзишда, талабаларга маърузалар ўқишда, илмий мақола ва тезислар тайёрлашда, тақдимотлар қилишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган ушбу битирув малакавий иши кириш, саккизта бандни ўз ичига олган икки боб ва хулоса ҳамда фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. – Б. 44.

I БОБ. ФИҚҲИЙ МАЗҲАБЛАРНИНГ АСОСЧИЛАРИ

1.1. Исломда мазҳабларнинг юзага келиши

Фиқҳ сўзи бир нарсани чуқур билиш, идрок қилиш ва фаҳмлаш маъноларини англатади. Ислом ҳуқуқида, яъни ислом шариатида, нафақат, инсон билан Яратгани ўртасидаги муносабатларга доир барча ишлар, балки одамлар орасидаги турли хил муносабатларга оид масалаларини ҳам ўз ичига олган. Ушбу муносабатлар икки хил йўл билан баён қилинган: ё Қуръон ва суннатда очик баён қилинган ёки ҳукми баён қилинмай, ҳукмга далолат қилувчи ишора ва далиллар орқали мужтаҳид масаланинг ҳукмини аниқлайди. Мана шу ҳукмларнинг эътиқод ва ахлоқга тегишлиларидан бошқа барчасини фиқҳ илми ўрганади.

Ислом ҳуқуқи бирданига юзага келмаган, балки давр ўтиши билан такомиллашиб, ривожланиб борган. Ислом ҳуқуқи тарихини ўрганган олимлар ислом ҳуқуқи ривожланишининг бир неча даврларини кўрсатиб ўтишган. Улар қуйидагилардан иборат¹⁰:

1. Пайғамбар (с.а.в.) даври
2. Саҳобийлар даври
3. Тобейийлар даври
4. Мужтаҳидлар даври
5. Мухаррижлар даври
6. Муқаллидлар, яъни тақлид қилувчилар ёки тақлид даври

Олимлар ушбу даврларга хос бўлган ишлар ва ҳолатларни батафсил ёзишган. Аммо биз қуйида ушбу даврларда бўлиб ўтган ўзига хос, эътиборли жиҳатларига тўхталишни лозим кўрдик.

Пайғамбар (с.а.в.) даврида ҳукм олишнинг манбаи Қуръон ва суннат бўлган. Қуръони каримдаги ҳукмий оятларнинг кўпи жамиятда содир бўлган бир ҳодиса сабабли ёки бирор саволга жавоб тарзида нозил бўлган.

¹⁰Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. - Т.: Тошкент ислом университети, 2002. -Б. 55

Агар бирор ҳодиса содир бўлса-ю, унга Аллоҳнинг каломида ҳукм бўлмаса ва бу ҳодисага оид ваҳий ҳам нозил бўлмаса, у ҳолда Расулуллоҳга (с.а.в.) Аллоҳ томонидан илҳом (ваҳий хафий) бўлган ва у киши ушбу ҳодисага тегишли ҳукмни чиқарган. Бу шариатда суннат деб аталади¹¹.

Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этгач, ислом дини дунё бўйлаб кенг тарқала бошлади ва араб бўлмаган кўпгина халқлар ҳам ислом динини қабул қила бошлади. Саҳобийлар Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида учрамаган ҳамда Қуръон ва суннатда тартибга солинмаган турли масала ва муаммоларга дуч кела бошладилар.

Биринчи халифа Абу Бакр (р.а.) (ваф. 12/634) Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида учрамаган бир қанча муаммоларга дуч келди. Айниқса, калимаи шаҳодатга иқроқ бўлиб, намозларни ҳам адо этиб, фақат закот беришдан бош тортганлар масаласи мушкул-муаммо бўлиб юзага чиқди¹².

Иккинчи халифа Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) (ваф. 22/644) ҳам халифалик даврида турли муаммоларга дуч келди. Хусусан, ислом динига кирган янги ҳудудларнинг кўпайиши сабабли янги-янги масалалар юзага чиқди. Умар (р.а.) девон ишларини ёзиб боришни, эгаси йўқ ташландиқ ерларни ўзлаштиришни жорий қилди. Қуръон ва суннатда ҳукми келмаган ҳамда Абу Бакр (р.а.) халифалиги даврида учрамаган шу каби масалаларга Умар (р.а.) ўз ижтиҳоди билан ҳукм чиқарар эди¹³.

Абу Бакр (р.а.) ҳам, Умар (р.а.) ҳам бирон-бир масала юзасидан ҳукм чиқармоқчи бўлса, саҳобийларни тўплаб, улар билан маслаҳат қилар эди. Абу Бакр (р.а.) бирон ҳодиса содир бўлса, аввало Аллоҳнинг китобига қарар эди, агарда Қуръонда унинг ҳукми бўлса, шунга кўра ҳукм чиқарарди. Агарда унга Қуръондан ҳукм топа олмаса, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига мурожаат қиларди. Суннатдан ҳукми топилса, шунга кўра ҳукм қилардилар. Мабодо суннатдан ҳам ҳукмини топа олмаса,

¹¹ Қодиров З. Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фикҳ усуллари. – Т.: Мовароуннаҳр, 1999. -Б. 12

¹² Ўша манба. –Б. 13

¹³ Ўша манба. -Б. 14.

сахобийларга мурожаат қилиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) бу борада бирон ҳукм айтганларини биласизларми, деб сўрарди. Кўпинча шу тарзда сахобийлардан турли масалаларда Расулуллоҳнинг айтган ҳукмларини билиб олар эди. Агарда шунда ҳам бирон масалага оид ҳукм топилмаса, у ҳолда ўзи ижтиҳод қилар ва сахобийлардан фикр доираси кенг, олим ва маслаҳатдонларини йиғиб, улар билан маслаҳат қилар эди ҳамда ушбу масалага ҳукм чиқарар эди¹⁴.

Абу Бакр (р.а.)дан кейин келган халифалар: Умар (р.а.), Усмон (ваф. 24/656) ва Али (ваф. 34/661) (р.а.)лар ҳам бирон масала борасида ҳукм қилмоқчи бўлишса, Абу Бакр (р.а.) каби йўл тутар эди.

Расулуллоҳ, (с.а.в.) даврларида мусулмонлар шаръий ҳукмларни Пайғамбаримиздан ўрганишар эди. Яъни, ё Расулуллоҳга нозил бўлаётган Қуръон оятларидан ва ёки Пайғамбар (с.а.в.) суннатларидан керакли масаланинг ечимига жавоб топишар эдилар. У вақтда мусулмонлар шаръий ҳукм олиш учун бошқа бирон далилга муҳтож бўлишмаган, хусусан, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) атрофларида яшаган мусулмонлар шарий ҳукм борасида бирон бошқа асосга эҳтиёж сезишмаган. Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этгач, Қуръон оятларида ва Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларида ҳукми келмаган ҳодиса ва воқеалар содир бўла бошлади, шунда буларнинг ечимини топиш учун бошқа йўл ахтариш зарурати пайдо бўлди ва бу ҳаракат асосан икки нарса билан: ижмо ва қиёс билан амалга ошди¹⁵.

Аллома Ибн Халдун (ваф. 808/1406) айтадики, ижмо ва қиёс билан шарий ҳукм олиш сахобийлар замонасида пайдо бўлган ва булар билан ислом фикҳининг асослари тўрттага етган¹⁶.

Ривоят қилинишича, Умар (р.а.) қози Шурайҳга (ваф. 78/697): "Агар бирон масалага дуч келсанг, унга Аллоҳнинг китоби асосида ҳукм қилгин, агар Аллоҳнинг китобида ҳам, Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларида ҳам ҳукми

¹⁴ Қодиров З. Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фикҳ усуллари. –Б.16

¹⁵ Ўша манба. -Б. 18-19

¹⁶ Ўша манба. -Б.19

бўлмаган масалага дуч келсанг, унда одамлар ижмо қилган ҳукм билан ҳукм қилгин. Мабодо Аллоҳнинг китобида ҳам, Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларида ҳам ҳукми бўлмай, шунингдек бу масалада сендан олдин ҳеч ким гапирмаган бўлса, у ҳолда ўз фикринг билан ижтиҳод қилишни хоҳласанг, ижтиҳод қил ёки ижтиҳод қилишдан тортинсанг, ижтиҳод қилма, ўзингча ижтиҳод қилмаслигинг сенга яхшироқ деб биламан" – деб мактуб йўллаган экан¹⁷.

Ушбу мактубдан ҳам кўриниб турибдики, Умар (р.а.) қози Шурайхга нома йўллаб, Қуръон ва суннатда ҳукми келмаган масалаларда ижмоъга, яъни саҳобийлар иттифоқ қилиб чиқарган ҳукмга таянишга ундаяптилар.

Умар (р.а.) насс йўқ вақтларида қиёсни ишлатиб, бошқаларни ҳам шунга буюрган. Абу Мусо ал-Ашъарийга йўллаган мактубида шундай ёзган: “Қуръон ва суннатдан топа олмаганингда нарсаларни яхшилаб таниб, ишларни қиёслагин”.

Демак, саҳобийлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ва бошқа барча ҳаётий ва диний масалаларни ечишда қуйидаги шариат асосларига таянганлар¹⁸:

Саҳобийлар ҳаётлик даврларида ушбу тўрт асосга таянишлари билан бирга ўзларидан кейингиларга ҳам ушбу асосларга таянишни таълим берди. Улардан кейинги келган пешволар, олимлар ва фақиҳлар ушбу асосларни ўз асарларида ёзиб, тартибга солиб, мустаҳкам асос тарзида қолдириб кетди.

Муҳаммад (с.а.в.) аҳолиси мусулмон бўлган узоқроқ юртларга ўз вакилларини ўша ердагиларга шариат аҳкомларини ўргатиш ва уларнинг ҳаётида юзага келадиган масалаларни ҳал этиш учун жўнатар эди. Умар (р.а.) янги масалалар пайдо бўлганда биргаликда ҳал қилиш учун илмли катта саҳобийларни Мадинадан чиқармасликка ҳаракат қилар эди. Умар

¹⁷ Маннон ал-Қаттон. Тарих ат-ташриъ ал-ислабий. Ар-Риёз: Мактабат ал-маъариф ли ан-нашр ва ат-тавдий, 1996. -Б. 189

¹⁸ Қодиров З. Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фикҳ усуллари. –Б.20

(р.а.) вафот этгач саҳобийларнинг таълим бериш учун атрофга тарқалиши янада кўпайди. Табиийки, улар бир-биридан илмда фарқ қилган, ҳар бирида бошқасида йўқ илм бўлган. Улар ўзлари борган жойларда илмий фаолият олиб борди ва уларнинг ҳар бири таълим беришда ўзига хос услубга эга эди, натижада жойларда ўзига хос мактаблар пайдо бўлди. Улардан таълим олган тобейлар ҳам уларнинг йўлларини тутиб, давом эттирди ва саҳобийларнинг илмини бошқаларга нақл қилди. Натижада ҳар бир шаҳар аҳлига шу шаҳарга келган саҳобийларнинг ҳукм олишдаги услублари таъсир этди ва илмда уларнинг йўлларини тута бошлади¹⁹.

Шундай қилиб, илм атрофга саҳобий ва тобейлар орқали тарқалди. Ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқаридаги ўзининг қадимий маданияти, қадрият ва анъаналарига эга ҳудудларга тарқалиши ва вақт ўтиши билан Қуръон ва ҳадисда аниқ ҳукми келмаган янги масалалар пайдо бўла бошлади. Саҳобийларнинг ақлий салоҳияти, тушуниш ва қарашлардаги даражалари бир-биридан фарқ қилганлиги ҳамда турли жойларда урф-одатлар, шарт-шароитлар ҳар-хиллиги сабабли улар орасида ихтилоф пайдо бўла бошлади. Хамр ичган кишини ҳад қилиниши, бир лафз билан айтилган уч талоқ масаласи, тарових намози, эри вафот этган ҳомиладор аёлнинг идда муддати, бобонинг ака-укалар билан бирга мерос олиши каби бир қанча масалалардаги ихтилофлар шулар жумласидандир²⁰.

Юқорида кўрганимиздек, саҳобийлар атрофдаги шаҳарларга тарқалиб, ҳар бир шаҳарда илмий ҳаракат пайдо бўлди, саҳобийлар орасидаги тафовут шаҳарлардаги услублар орасидаги тафовутга сабаб бўлди, уларнинг шогирдлари ҳам улардан таъсирланди.

Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) саҳобийлар билан маслаҳат қилишга ҳаракат қилганлигига қарамай, у Қуръон ва ҳадис насларни яхши тушуниш, ўз фаҳми орқали ижтиҳод қилиш ва ижтиҳодда кўпроқ райни

¹⁹ Маннон ал-Қаттон. Тарих ат-ташриъ ал-исламий. -Б.276

²⁰ Ўша манба. -Б. 277

ишлатиш борасида саҳобийлар орасида энг илғор киши бўлган. Ижтиҳодли масалаларда Умар (р.а.) райни кўп ишлатган²¹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) Умар (р.а.)нинг йўлидан борди ва унинг фикрларидан таъсирланди. Ривоят қилинишича, Ибн Масъуд (р.а.) Умар (р.а.)га ҳеч бир масалада хилоф бўлмаган ва ўзи: “Агар одамлар бир водийдан юрса ва Умар бошқа бир водийдан юрса, албатта, мен Умар юрган водийдан юраман”- деган экан. Бу Ибн Масъуд (р.а.)нинг насс йўқ ўринда фикр юритиш, ҳукм олиш ва райни ишлатишда Умар (р.а.)нинг йўлини тутганлигини кўрсатади²².

Иброҳим ан-Наҳаъий (ваф. 96/815) Умар ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) иттифоқ қилган масалаларда фақат уларнинг сўзларини олар, улар ихтилоф қилганда эса Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг сўзини олишни хуш кўрар экан.

Маълумки, Умар (р.а.) Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)ни Куфага таълим бериш учун юборган эди. Ибн Масъуд (р.а.) у ерда кенг илмий фаолият олиб борди, шогирдлари ундан кейин унинг йўлини тутди²³.

“Ироқ мадрасасининг фақиҳлари эса тамоман бошқа шароитда ижтиҳод қилар эдилар. Уларнинг шароити, яшаш тарзи ва урф одати ҳамда бошқа омиллари қиёсани ҳам тез-тез ишга солиб туришни талаб қилар эди. Бунинг устига фикҳий ижтиҳодларга асос солиб борилаётган бир пайтда Ироқ фитналар уясига айланган эди. Бу ерда шуъубийлар, динсизлар, рофизалар, хаворижлар ва бошқалар тўлиб тошган эди. Уларнинг ҳар бири ўз фикрини қўллаш учун сохта ривоятлар тўқир эдилар. Мана шу сабабдан бу ернинг мужтаҳидлари ривоятларни қабул қилиш учун қаттиқ шартларни қўйишга мажбур бўлар эдилар. Улар саҳобийнинг амали ривоятига зид

²¹ Маннон ал-Қаттон. Тарих ат-ташриъ ал-исламий. -Б.289

²² Ўша манба. -Б.289

²³ Ўша манба. -Б.290

бўлса, ривоятни рад қилар эдилар. Оммавий ҳукмларнинг ривоятчиси ёлғиз бўлса, унинг ривоятини ҳам қабул қилмас эдилар”²⁴.

Мазҳаб сўзи арабча "йўналиш" маъносини билдириб, истилоҳда (ислом атамашунослигида) эса мужтахиднинг шаръий далиллардан шариат ҳукмларни чиқариб олишдаги ўзига хос йўлидир. Мазҳабларнинг ҳукм олиш, яъни ижтиҳод йўллари ва қоидаларида бир-биридан фарқ қилиши улар орасида жузъий ихтилофларга сабаб бўлган.

Фикҳий мазҳаблар фикҳий мактаблардан кейин пайдо бўла бошлади. Фикҳий мазҳаб бу бир ёки бир нечта мужтахиднинг шаръий ҳукмларни олишдаги муайян йўлидир. Мазҳаблар бир-биридан ижтиҳод қилиш ва ҳукм олиш йўлларида фарқ қилади.

Тўртинчи ҳижрий асргача жуда кўп мужтахидлар ўтган, ҳар бирининг ўзига хос услуби, йўналиши бўлган ва кўпларининг ўз мазҳаблари бўлган. Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ас-Шаъроний (ваф. 973/1565) ўзининг “ал-Мийзан аш-шаъронийя” асарида мазҳаблар сонини қуйидагича зикр қилган:

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) (ваф. 32/653) мазҳаби
2. Оиша (р.а) (ваф.58/678) мазҳаби
3. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) (ваф. 73/692) мазҳаби
4. Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам (ваф. 101/720) мазҳаби
5. Мужоҳид ибн Жобир (ваф. 104/722) мазҳаби
6. Шаъбий (ваф. 103/721) мазҳаби
7. Ато ибн Абу Рабоҳ (ваф. 114/732) мазҳаби
8. Ал-Аъмаш Сулаймон ибн Мехрон (ваф. 148/765) мазҳаби
9. Абу Ҳанифа (ваф. 150/767) мазҳаби
10. Суфён ас-Саврий (ваф. 161/778) мазҳаби
11. Имом Лайс ибн Саъд (ваф. 175/791) мазҳаби
12. Имом Молик (ваф. 179/795) мазҳаби

²⁴ Islom.uz. Фикҳ бўлими: Илк фикҳий мадрасалар.

13. Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/814) мазҳаби
14. Имом Шофеъий (ваф. 204/820) мазҳаби
15. Исъҳоқ ибн Иброҳим ибн Роҳувайҳ (ваф. 238/852) мазҳаби
16. Имом Аҳмад (ваф. 241/855) мазҳаби
17. Имом Довуд (ваф. 270/884) мазҳаби
18. Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/923) мазҳаби

Абу Муовия ал-Байрутий аш-Шаъронийнинг имом Абдуррахмон ибн Амр ал-Авзо`ий (ваф. 157/774) мазҳабини ташлаб кетганлигини айтган. Зеро, унинг мазҳаби Шом ва Андалус фақиҳлари Авзоъийнинг мазҳабига бир муддат амал қилган мустақил мазҳаб бўлган²⁵.

Ушбу мужтаҳидлар мазҳабларининг ҳаммаси ҳам ўз вақтида амалда бўлган. Лекин бу мазҳабларнинг кўпи амалдан чиқиб кетган ва одамлар уларга эргашмай кўйган. Кўплар тўрт мазҳабдан бирига эргаша бошлаган, лекин буни ҳеч ким шундай қилмаган, балки Ибн Ражаб ал-Ҳанбалий (ваф. 795/1393) айтганидек, Аллоҳ таолонинг ҳикмати ислом шариатининг фикҳий ҳукмлари Қуръони каримнинг етти лаҳжасидан фақат биттасигина қолгани каби шу тўрт мазҳабларда сақланишини тақозо қилди. Пайғамбар (с.а.в.) даврида Қуръони карим одамларга енгиллик бўлиши учун етти хил лаҳжада нозил бўлган эди. Пайғамбар (с.а.в.) бу дунёни тарк этганларидан кейин, ислом дини атрофга кенг ёйилди, қабила ва халқлар тўп-тўп бўлиб ислом динини қабул қилди, одамлар Қуръонни турли хил қироатда тиловат қилар эди. Натижада мусулмонлар орасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлади, ҳатто одамлар бир-бирига қилич кўтаришгача борди. Халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) етти лаҳжадан фақат битта лаҳжани қолдириб, қолган лаҳжалардаги мус`хафларни ёқиб юборди, мусулмонларни фақат бир лаҳжага жамлади ва шу йўл билан одамлар орасидаги

²⁵ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ал-Мактаба аш-шамила, -Ж.7 - Б.117

келишмовчиликларни тўхтатди. Ҳеч бир саҳобий Усмон (р.а.)нинг бу ишига қарши чиқмади, балки жуда яхши иш деб баҳолади²⁶.

Ушбу мужтаҳидлар мазҳабларининг ҳаммаси ҳам маълум муддат амалда бўлган. Лекин бу мазҳабларнинг кўпи амалдан чиқиб кетган ва одамлар фақат имом Абу Ҳанифа (ваф. 150/767), имом Молик (ваф. 179/795), имом Шофеъий (ваф. 204/820) ва имом Аҳмад (ваф. 241/855)ларнинг мазҳабларидан бирига эргаша бошлаган. Аммо ҳеч ким барча мазҳабларни бекор қилиб, одамлар фақат шу тўрт мазҳабдан бирига эргашиси лозим демаган, балки буни қуйидаги омиллар таъсирида вазият тақозо қилган.

Аввало, Ибн Ражаб ал-Ҳанбалий айтганидек, Аллоҳ таолонинг ҳикмати ислом шариатининг фикҳий ҳукмлари Қуръони каримнинг етти лаҳжасидан фақат биттасигина қолгани каби шу тўрт мазҳабларда сақланишини тақозо қилди²⁷.

Тўрт мазҳаб бошқа мазҳаблардан фарқли равишда мазҳаб имомлари вафоти этиши билан тўхтаб қолмаган, балки мазҳаб имомининг давомчилари имомнинг сўзларини ҳамда мазҳабга доир барча нарсаларни ёзиб, китобларга қайд қилиб қўйган. Мазҳабни давом эттириб, шу мазҳаб имомининг қоидаларига мувофиқ янги масалаларнинг ҳукмларини аниқлаган ва мазҳабларни тизимлаштирган. Асрлар ўтиши билан мазҳаб янада мукаммаллашган. Натижада кўпчилик одамлар фақат шу тўрт мазҳабдан бирига амал қила бошлаган. Чунки бу мазҳабларда жамланган тайёр улкан фикҳ хазинаси орқали одамлар ҳаётида воқеъ бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган масалаларнинг ҳукмларини топиши жуда осон бўлган. Шу боис одамлар мазҳабга таянишни афзал деб билган ва улардан бирига тақлид қила бошлаган. Бошқа мужтаҳидларнинг мазҳаблари эса

²⁶Абдурахмон ибн Ражаб ал-Ҳанбалий. Ар-Радд ала ман иттабаъа ғайр ал-мазаҳиб ал-арбаъа. Ал-Мактаба аш-шамилла, Ж.3..Б.5

²⁷ Ибн Ражаб. Ар-Радд ала ман иттабаъа ғайр ал-мазаҳиб ал-арбаъа. Б.5

улар вафот этганаридан сўнг тўхтаб қолди ва мазҳаб ривожлантирилмади. Баъзилари оз муддат амал қилинган бўлсада, кейинчалик йўқолиб кетди²⁸.

²⁸ Қаранг: Абу Захра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. - Қоҳира: Дар ал-фикр ал-арабий. Б.289

1.2. Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит

Насаби ва туғилиши

У Ироқлик бўлиб, исми Имом Абу Ҳанифа Нуъмон бин Собит Куфийдир. «Авжазул Масалик» асарининг муаллифи бундай деган: «У Нуъмон бин Собит бин Зутий бўлиб²⁹, бобоси Зутий Қобилда туғилган. Унинг отаси туғилган жойи ҳақида турли фикрлар бор, баъзилар Анбарда деса, бошқалар Нисода дейишади. Абу Ҳанифанинг ўзи ҳижрий 80 йилда Куфада Абдулмалик бин Марвон халифалик даврида туғилган. Вафоти ҳижрий 150 йилда бўлиб³⁰, бу Имом Шофеъийнинг туғилган йилига тўғри келади».

У асли форслик бўлиб, хур кишилардан бўлган. Бу ҳақда ҳам турли фикрлар бўлган. Доктор Аҳмад Амин қуйидагаларни айтган: «Собит (Абу Ҳанифанинг оталари) Бани Таймуллоҳ бин Саълабанинг Робиъа (Рубайъа)лик кишисига мамлук (бўйсунувчи киши) бўлган, «бани» деб кишининг қариндош уруғларига айтилади. Демак, Абу Ҳанифа Бани Таймуллоҳнинг мавлоси бўлган. Шунинг учун, Абу Ҳанифа Ат-Таймий деб айтилади». Кейин Доктор Аҳмад Амин ўзининг «Кўринглар у форслик озод кишилардан бўлиб, ҳеч қачон қул бўлмаган» деган фикрида қолган.

Исмоил бин Ҳаммод бин Абу Ҳанифа қуйидагиларни айтган: «Исмоил бин Ҳаммод ибн Нуъмон бин Собит бин Нуъмон бин Марзубон озод (хур) форслардандир, Аллоҳга қасамки биз ҳеч қачон қул бўлмаганмиз, бобом 80 йилда туғилган ва Собит Али ибн Толибнинг (р.а.) олдига кетган».

²⁹ Закариё ал-Кандеҳлавий. Ал-маноқиб лил-муваффақ. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996. Ж.9. Б.6

³⁰ Закариё ал-Кандеҳлавий Ал-маноқиб лил-муваффақ. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996. Ж.9. Б.4

Хулқи

Ибн Халликон айтади: “Абу Ҳанифа очик юзли, юриш-туришлари чиройли, меҳрибон, ёру-дўстларига ҳамдард эди. Баъзилар айтишларича, у узун бўйли, чиройли нутқли, ширин сўзли киши эди”³¹.

Унинг шогирди (ўқувчиси) Ибн Муборак айтади: “Абу Ҳанифа очик юзли, одоб (дид) билан кийинадиган киши эди”. Ўғли Ҳаммоод айтади: “Узун бўйли, қорачадан келган, чиройли юзли, салобатли, фақат савол берганда гапирар эди. Ўзига тегишли бўлмаган гапларга аралашмас эди”³².

Жисми ўртача билан узун орасида, аниқроғи узунга яқин эди. Албатта, кишининг жисми узун ёки калта, чиройли ёки хунук бўлиши асосий фазилят эмас. Балки асосий мезон бу қилган амаллари, гўзал хулқи ва чиройли сийратидир.

Абу Ҳанифа ҳақида Бакр бин Маъруф шундай деган: “Муҳаммад (с.а в) нинг умматлари ичида Абу Ҳанифадан чиройлироқ сифатга эга кишини кўрмадим”. Суютий Жаъфар бин Робийъдан нақл қилади: “Унинг (Имом Аъзамнинг) ҳузурида 5 йил турдим, ундан кўра узоқ сукут қиладиган киши кўрмадим.”

Заҳабий шундай деган: “Халифа Ҳорун Ар-Рашиднинг олдида (ҳузурида) эдим. Бир пайт Абу Юсуф кириб келди. Шунда Ҳорун ундан: менга Абу Ҳанифанинг ахлоқларини васф қилиб бер, деди. Абу Юсуф шундай жавоб берди: «Аллоҳга қасамки, у Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан қаттиқ чекланарди, узоқ сукут сақларди, доимий тафаккурда бўларди, ҳеч қачон кўп гапирувчи вайсақи бўлмаган. Одамлар ҳақида фақат яхши гаплар гапирарди” Бу гапларни эшитиб Хорун Ар-Рашид: “бу солиҳ бандаларнинг ахлоқидир”, деди³³.

³¹ Хайруддин аз-Зириклий. Ал-аълам. Дор ал-илм лил-малайин. Б.11.

Қози ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён анбау абна аз-заман. -Байрут. Дор содир. 1997. -Ж. 2. -Б.163

Илм олиши

Хулафои Рошидинлар давридан бошлаб кишилар илм, маданият, ижодий-фикрий етуклик йўлида Қуръони Каримга таяниб келган. Аллоҳ таолонинг қавли: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?”³⁴. “Бандалари Орасида Аллоҳдан уламоларгина кўрқарлар”³⁵.

Илм борасида Пайғамбар (с.а.в) ҳам жуда кўп ҳадис айтган. Жумладан: ”Аллоҳ кимга яхшилиқни раво кўрса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”³⁶. “Уламолар пайғамбарларнинг ворисларидир”³⁷. Абу Бакр, Умар, Усмон бин Аффон ва Али бин Абу Толиб розияллоху анҳум саҳобаларни Расулуллоҳ (с.а.в)нинг суннатларини ёйиши, Қуръони Каримдан таълим бериш ва башариятни тўғри йўлга йўналтириш учун турли ўлкаларга юборишда биринчилардан бўлишган. Ироқ ва Мовароуннаҳр ўлкалари Расулуллоҳ (с.а.в) нинг саҳобаларидан бўлган уламолардан кўплаб илм олишган.

Абу Ҳанифа доим Ҳаммод Абу Сулаймон ёнида бўлди. Ҳаммод ибн Сулаймон Нахайй ривоят қилган фикҳ илмини ўрганди. Нахайй эса Умар ибн Хаттоб, Али ибн Толиб, ибн Масъуд ва ибн Аббос (р.а.)лардан ўрганган эди. Тобейинларнинг буюкларидан таълим олган эди.

Ёшлиқ пайтида Қуръонни ёд олган, ҳадисларни носих мансухларини жуда яхши ажратар эди. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан саҳобаи киромлардан ворид бўлган саҳиҳ ҳадисларга амал қиларди. Ва айтардилар "Аллоҳнинг китобини носих мансухи бўлганидек, ҳадисларни ҳам носих мансухлари бор" дер эди. Шу сабабли Абу Ҳанифа ватанидаги илм аҳли ва муҳаддислардан эшитган ҳадислари ичидан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётларининг охириги даврларида айтган гаплари ва қилган ишларига оид

³⁴ Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур.-Т.: Тошкент ислом университети,2004. Зумар сураси, 9-оят

³⁵ Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур.-Т.: Тошкент ислом университети,2004. Фотир сураси 28-оят

³⁶ Имом Муслим. ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. Мактаба аш-шамила.

³⁷ Имом Насоий. Сунан. Мактаба аш-шамила.

сахих ва ҳадисларни ёд оларди.

Устоз ва шогирдлари

Абу Ҳанифанинг шайхи Абу Мутиъ ал-Балхий айтади: “Абу Ҳанифа сўзлаб берди: "Амирулмуминийн бўлган Абу Жаъфар олдига кирдим. У сўради: “бу илмни кимлардан ўргандинг" Айтдим Ҳаммоддан, Ҳаммод эса Иброҳимдан, Иброҳим эса Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббослардан ўргандим. Абу Жаъфар - "тасанно" ишончли бўлган муборак зотлардан таълим олгансан”³⁸.

Робиънинг ривоятига кўра, Исо ибн Мусо айтади: “Абу Ҳанифа бугун дунё олимидур Қандай бўлмасин таълим олишда ва ўз илмий асосларида изланишларида ишончли манбаларга таянгани табиийдир”³⁹. Шундай илмий омонатга вафо қилган бўлиб, охиратда азобдан нажот берадиган ҳаётий йўлни танлаган ва ҳасадга учрайдиган тижорат йўлида юрган ҳамда охиратда ўз амали учун фойда оладиган йўлни тутганлардан бўлишимиз Абу Ҳанифа аҳли билан эди.

Ҳофиз Заҳабий айтади: Абу Ҳанифа ёшлигида Молик ибн Анас билан учрашган. Хофиз ибн Саъд Абу Муваффақ Сайф ибн Жабирдан ҳикоя қилади. Мен Абу Ҳанифадан эшитганман. У айтади: “Молик ибн Анас Куфага борганда Анна деган жойга тушарди”.

Абу Ҳанифанинг шогирдлари баъзилари устоз ва баъзилари ўз даврининг йирик намояндалари бўлиб етишганлар. Шогирдларидан Абу Юсуф Ҳорун ар-Рашид ўз даврининг улуғ қозиларидан бўлиб етишди. Имом Муҳаммад бин Хасан аш-Шайбоний Абу Ҳанифанинг барча илмларини эгаллаган Имом Шофеъий эдилар. Бу икки Абу Ҳанифанинг ўқувчилари ўз замонасининг буюк кишилари эди. Тарих уларнинг исмларини Абу Ҳанифа исмлари билан ёнма-ён ёзиб қўйди. Абдулҳалим

³⁸ Тарихи боғдод. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1997. -Ж. 13 -Б. -334

³⁹ Ўша манба Б.336

Жундий ўзининг “Абу Ҳанифа- озодлик қаҳрамони” номли китобида бу икки Абу Юсуф ва Муҳаммадни Абу Ҳанифанинг содиқ ўқувчилари деб атаган.

Ўқувчиларидан Имом Зафар бин Ханбал бўлиб, ҳадис илмини чуқур ўрганганлар. Яна Ҳасан бин Зиёд Лувлувий Абу Ҳанифанинг ўқувчиларидан бўлиб, Абу Юсуфга шогирдликка тушган. Имом Муҳаммадга тақлид қилиб, “Ал-Мужаррад”, “Адабул-қодий”, “Аннафоқот”, “Ал-Фароиз”, “ал-Васоя” ва “Ал-Хисол” китобларини ёзганлар⁴⁰.

Яна бир шогирди Абдулло бин Муборак фикҳ ва ҳадис илмида олим бўлдики, у фикҳ ва ҳадис имоми деган унвонга сазовар эди. Абдуллоҳ бин Муборак Хуросонда энг биринчи ҳадис девонини йиғган эди.

Абу Ҳанифа (р.а.)га бугунги кунгача инсонлар эргашиб келишмоқда. У кишини тақво соҳиби эгаси эканликларни айтганлар. Жумладан, Язид ибн Ҳорун айтадики: «Абу Ҳанифа (р.а.)дан оқилроқ ва тақводорроқ кишини кўрмадим».

Жумладан Ҳасан ибн Солиҳ айтади: «Абу Ҳанифа ман қилинган ишлардан сақланувчи, ҳалолликни биринчи ўринга қўяр эди. Мен Абу Ҳанифа (р.а.) дан фақиҳроқ кишини ва ўз илмини ва нафсини ҳаромдан сақлагувчи кишини кўрмадим. Буларнинг барчасини охираат учун тайёрлаганлар».

Шундай қилиб, Абу Ҳанифа ўз фикри, илми ва фикҳида байроқдор эди. Зухд ва тақвода ҳам унга етадиган кам эди. Имом Шофеъий айтади: «Инсонлар фикҳ борасида Абу Ҳанифага жуда муҳтож эдилар». Имом Музаний: «Абу Ҳанифа фақиҳларнинг саййиди» дея таъкидлаган.

⁴⁰ аз-Заҳабий. Тазкира ал-Хуффоъ. Қоҳира. Ж.1.Б.17.

Вафоти

Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ қозиларнинг фатволари ва ҳукмларига китоб ва суннатга таянган ҳолда қарши чиқардилар. Уларнинг юракларида Абу Ҳанифага нисбатан ғазаб кўзгаларди. Уларнинг кўпчилиги Абу Ҳанифани у кишининг илмлари, кучли фақиҳлиги ва ҳужжатини кучлилигини ўзларининг кучсиз ҳужжатлари ва тор ақллари билан таққослаганда ҳасадлари келиб ёмон кўрардилар. У кишига нисбатан ғараз ва ҳасад билан муносабатда бўлишарди. Улардан бири Абу Аббос ат-Тусий бўлган. Буни Абу Ҳанифанинг ўзлари ҳам билар эдилар. Бир куни Абу Ҳанифа Абу Жаъфар ва кўпгина одамлар турган жойга кирди. Тусий бугун Абу Ҳанифани ўлдирилган, деди ва у кишининг олдига борди ва «Эй, Абу Ҳанифа, мўминлар амири бизлардан бир кишига бир кишининг бошини олишни амр қилмоқда, унинг нималигини эса билмайди. Унинг бошини олиш мумкинми?»-деди. Абу Ҳанифа дедилар: «Эй, Аббос, мўминлар амири ҳақ ишга буюряптими ёки ботилгами?», у, ҳақ ишга, деди. Абу Ҳанифа: «Ҳақиқат ўзига тўғри келмайдиган ишни қилибди-да» дедилар. Кейин ўзларига яқин турган кишига, бу билан у мени боғламоқчи эди, ҳолбуки унинг ўзини боғлаб қўйдим, дедилар⁴¹.

Муваффақ ривоят қилади: «Китоби мутафажжиъийн»да Абу Ҳайён Зиёдий айтади: «Менга етиб келишича, Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ўлимни ҳис қилаётганда сажда қилганлар ва саждада турган ҳолларида нафаслари узилган»⁴².

Кейин Муваффақ Абдуллоҳ бин Вақиддан ривоят қиладики, Абу Ҳанифани Хасан бин Аммора ювдилар, мен сув қуйиб турдим. Ҳасан ювиб бўлгандан кейин, Абу Ҳанифани яхши ҳислатларини зикр қилди,

⁴¹ Тарихи боғдодий 13-366-б.

⁴² Закариё ал-Кандехлавий. Ал-манокиб лил-муваффақ. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996. - Ж. 13.- Б.366

шундай гапларни айтдики, ҳамма йиғлади. Унинг жанозаси кўтарилганда йиғлаган одамларни, ўша кундан бошқа пайтда кўрмадим.

Хаттоб деди: «У кишининг вафоти бу йилнинг ражаб ойида эди⁴³», яъни ҳижратнинг 150 йили. Уламолар ҳам у кишини вафот этган йили ҳижрий 150 йил деб иттифоқ қилишган. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин ва у киши ҳам Аллоҳни рози қилагн бўлсин.

Асарлари

У киши бутун дунёни илм ва фикҳ билан мунаввар этдилар. Уларнинг шогирдлари султонлик ва обрўда тенгсиз, майдони жуда кенг бўлган икки давлатда фатво бериш ва илм салоҳияти бўйича юқори ўринни эгаллаганлар: Аббос асос солган-Аббосийлар ва Усмон асос солган-Усманийлар давлати. Уларнинг мусаннафлари асосий китобларига масдар ва илмий асос бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, ҳозиргача ҳам ўз мавеини йўқотган эмас. Бу эса Раҳимаҳуллоҳнинг илмни бобларга тасниф қилишда энг фойдалиси ва фойдаланишда энг осонини тартиб қилган биринчи инсон эканликларига ишорадир.

“Муъжам ал-мусоннифийн” китоби муаллифи шундай дейди: ”Мен имомнинг таснифлари калом илми, фикҳ, ҳадис, сарф ақида эканлиги ва яна бир қанча улар ҳақида кўпчилик зикр қилган: “Намоз”, ”Амаллар”, , “Шартлар”, “Мерос”, “Олим ва илм толиби”, “Қадарияга рад”, “Фикҳул акбар”, “Васият”, “Авзойга рад” каби китоблари бор эканлиги ҳақида эшитганман”⁴⁴. Шунингдек яна бир қанча асарлари бор.

⁴³ Тарихи Бағдод. -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. Ж. 2. Б.213.

⁴⁴ Муъжам ал-Мусоннифийн. –Қоҳира: Ал-хайъа ал-мисрия ал-амма лил-китоб.1994. Б.186-187

1.2. Молик ибн Анас

Насаби ва туғилиши

Абу Абдуллоҳ ал-Асбахий Молик ибн Анас ал-Маданий⁴⁵нинг насаби Ямандан бўлган Зий Асбахга бориб тақалади. Имом Молик Мадинаи мунавварада яшаган, унинг Асбахий деб номланиши Асбах қабиласидан бўлган бобоси Ҳорисга нисбатан қўлланилади⁴⁶. Шунингдек, Ҳошимий деб ҳам аталган, унинг бобоси Абу Омир Расулуллоҳ (с.а.в) саҳобаларидан эди. Имом Моликнинг бобоси бўлган, у тобеинларнинг катталаридан бўлиб, Анаснинг отаси деган куня билан номланган. У ҳақида саҳобалардан Умар, обит ларидан эди ва у Усмон ибн Аффон (р.а)ни ғусл қилдириб, кечаси қабрга кўтариб бориб, дафн қилган кишиларнинг тўрттасидан бири эди.

Имом Молик Мадинаи мунавварада ҳижрий 93-йилда туғилган. Ишончли маълумотларга қараганда, бу Абдулмалик ибн Марвон ал-Умавий халифалик даврига тўғри келади. У илмда, фазилатда бўлган араб оиласида ўсиб-улғайди. Расулуллоҳ (с.а.в) яшаб ўтган шаҳарни ўзларига маскан қилган тобеинлар муҳитида ўсди ва уларнинг илмларидан баҳраманд бўлди, улардан ҳадис ривоят қилди, имомларидан фикҳ илмини ўрганди⁴⁷. Манашундай бир жамиятда Имом Молик тарбия топди, шундай илмий муҳитда, мусаффо табиат натижасида Имом Молик раҳимахуллоҳдек имомлар етишиб чиқди.

Хулқи

Аллоҳ таоло Молик ибн Анас раҳимуллоҳни чиройли бир кўринишда яратди. У комил шахс, узоқни кўра олувчи эди. Ўзи оппоқ, яноқлари қип-қизил, бошида сочи йўқ, мўйловини фақат лабига тушганини қисқартирадиган, қолганига тегмайдиган инсон эдилар⁴⁸.

⁴⁵ Аз-Заҳабий Тазкиратул Ҳуффоз

⁴⁶ “Ҳаёту Молик” бил-ардийхи 3-б.

⁴⁷ Ўша манба 58-б

⁴⁸ Ибн Ҳалликон Вафаятул аъён.

Исо ибн Умар ал- Маданий : Имом Молик юзидан кўра оқ ва қизил нарсани кўрмадим ва унинг кийимидан кўра оппоқ нарсани кўрмадим.

Унинг дўстларидан бўлган Мутриф Исмоил, Шофеъий уни сифатлаб шундай дейишган: У узун қоматли, оқ сочли ва сариқдан келган оппоқ, чиройли суратдаги, тепа кал, кўзлари чиройли, узун соқолли, қалби кенг бўлган инсон эдилар.

Имом Молик шундай деган: Мадинада ҳеч қандай уловга минмайман, чунки у ерда Расулуллоҳ (с.а.в) жасадлари дафн қилинган. Шунинг учун у ёши улуғ бўлиб, заифлашиб қолганда ҳам Мадинада ҳеч қандай уловга минмаган экан. Булар унинг Расулуллоҳга бўлган одоби эҳтиромидан, таквосидан, динининг мукамаллигидан далолат беради. У зеҳни ўткир, фаҳмли, кучли илм соҳиби, ишончли, ростгўй киши эди.

Илм олиши

Унинг илм олиши танлаган йўлларининг энг тўғриси ва мустаҳкамидир. У ўзига фақатгина ишончли, адолатли, дини ва илми билан танилган, одоб ва маърифат билан одобланган уламолардан илм олишликни шарт қилиб қўйган эди. Сўнгра Аллоҳ таоло у кишини раҳмат қилсин толиби илмларга Аллоҳ йўлида ўзидаги бор нарсаларни хатто қуйидаги ўтинини сотиб бўлса ҳам инфоқ қилар эди. Ибн Қосим айтадилар ибн Молик толиби илмни етаклаб борарди ўз уйини шифтини бузмоклик учун бас кейин уни ўтинини сотарди. Манашундан кейин уни моли дунёси кўпайиб кетар эди⁴⁹. Албатта у фикҳни олишда ҳадисни биладиган кишидан олишликка суянар эди. Ва ҳадис ва ривоятлар маъноларини яхши тушунар эди. Ибн Ваххоб айтадики ибн Молик Атиф ибн Холидга араб айтдики менга хабари етдики сен ҳадисни бундан оласанми? деб жавоб берди. Имом Молик (р.а.) айтдики биз ҳадисни фақатгина фикҳдан оламиз. Бир ривоятда ибн Ваххоб Имом Молик (р.а.) хақида шундай дейди бу шаҳардаги қавмга келдим агар уларни ёмғир

⁴⁹ Тартиб ал-Мадорик 120-б.

суғарса суғорилар эди. Хақиқатда улар илмни жуда ҳам кўп эшитишар эди. Қачонки уларга бир нарса хақида сўзлаб берилса улар зоҳидлик ва Аллоҳдан кўрқишликни ўзларида лозим тутар эдилар. Амад ибн Солиҳ айтадики: мен Имом Молик (р.а.)дан кўра уламолар ва кишилардан бирортасини билмайманки ундан кўра тақводорроқ бўлса ва билмайманки Имом Молик (р.а.)дан кўра бошқа бирор кишини ривоят қилганини қайсики бир қавмдан ривоят қилган бўлса уни ўша қавм тасдиқ қилар эди⁵⁰.

Устоз ва шогирдлари

Унинг ватани имом Молик учун улуғдир, у ер юзидаги енг тоза жой макка ва мадина шаҳарлари эди. Молик Макка ва Мадинада фикҳ ва ҳадис илми инсонлари билан учрашди, кўп устозлардан таълим олди, илмий тафаккури ошди.

Заҳабий айтади: Нофеъ, ал-Муқборий, Найим, ал-Мужмор, ал-Захро, Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Динор, Ибн ал-Мункадирлардан ривоят қилинишича⁵¹, Ато ибн Абу Рабоҳнинг Мадинага келганини кўрди⁵². Абдуллоҳ ибн Аҳмад деди: менга отам шундай деди: Абу Заҳронинг дўстларидан ким ростгўй. Деди: ҳамма нарсада Молик ростгўй⁵³.

Унинг илм ўрганувчилари сони жуда кўп эди. Заҳабий деди: Ундан ибн Муборак, ал-Қаттон, ал-Маҳдий, ибн Қосим, ал-Қаъааний ва Абдуллоҳ ибн Юсуф илм олар эди⁵⁴. Шофеъийдан ривоят қилинган⁵⁵, у деди: Молик ибн Анас “Мувоотто”ни ёдлаган эди. Менга деди: Йиғилганлардан ким ўқийди. Мен ўқийман- дедим ва Мувооттони

⁵⁰ Ал-Муржиъ ас-Собик 125-б.

⁵¹ Тазкиратул Ҳуффоз 1-193-б, Вафаятул аъён 1-439-б

⁵² Ал-муржиъ ас-Собик

⁵³ Ал-муржиъ ас-Собик

⁵⁴ Тазкиратул Ҳуффоз

⁵⁵ Ал-Муржиъ ас-Собик

ўқидим. Деди: агар бир киши нажот топадиган бўлса, у манашу боладир⁵⁶. Унинг шогирдлари ҳам кўп эди. Улардан Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бири Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан, Яхё ибн Яхё “Муваддо”ни ривоят қилган. Абу Ҳанифанинг баъзи шайхлари ва асрдошлари ундан ривоят қилган.

Дарҳақиқат Имом Молик (р.а.) ҳижрат ховлисини имоми ўз асри ва замонини олими ва мазҳаб соҳибларини муҳаддисидир. У кишига Миср, Андалус, Африка ва ғарбий қисмдаги кишилар эргашганлар. Хаттоки Имом Шофеъий (р.а.) айтдиларки “Агар уламолар зикр қилинса Имом Молик (р.а.) юлдуз бўлиб турарди⁵⁷”. Ибн Ваххоб бизга хабар бериб айтадики, Мадинада нидо қиладиган нидосини эшитдим: айтардики огоҳ бўлинглар, инсонлар фатво бермасин фақатгина Молик ибн Анас (р.а.) ва ибн Аби Заиб фатво берсин деб нидо қилди⁵⁸. Хатто бу сўз уламолар тилида ҳам машҳур бўлди. Ва айтардики Мадинада Имом Молик (р.а.) бўла туриб фатво берадими. Имом Шофеъий Имом Молик (р.а.)ни Хижоз илмини ёдлашликни зиёдан деб эътироф қилади. Ва яна айтадики Имом Молик (р.а.) билан ибн Уяйна бир-бирига қариндош, агар Имом Молик (р.а.) ва ибн Уяйна бўлмаганда эди Хижоз илми кетиб қолган бўлар эди⁵⁹.

Абдурахмон ибн Маҳдий айтадилар эргашилиши мумкин бўлган ҳадис имомлари 4 тадир: Куфада Суфёни Саврий, Хижозда Имом Молик, Шомда Авзойи, Басрада Ҳаммод ибн Зайд. Суфёни Саврий билан Авзойининг ўртасидаги фарқ шундаки айтадилар. Саврий ҳадис илмининг имоми суннат илмининг имоми эмас. Авзойи суннат илмининг имоми ҳадис илмининг эмас. Имом Молик (р.а.) икковининг ҳам имомидир⁶⁰. Суннат илмидан мурод Абу Захро зикр қилиб ўтдилар. Албатта у шундай илми саҳобалар амалда бажаришди. Ва фатво баришди худди шунингдек

⁵⁶Вафаятул аъён 1-447-б.

⁵⁷Тазкиратул ҳуффоз 1-193-б.

⁵⁸Вафаятул аъён

⁵⁹ли ибн Абдул Бир ва Заҳабий Ал-Интико.

⁶⁰Абу Захро 85-б

илмни тобеинлар ҳам амалда қўллайди ва фатво беради. Ва айтаманки илмни ҳукм қилувчи ҳолат ва ходисалар билан бўлмайди. Шундай ходиса ва ҳолатларки бу ҳукмда унинг соҳиби фақиҳ деб номланмаслиги айтилади. Ва Имом Молик (р.а.) сир ва асрорларни билувчи фақиҳ ва олим эди. Бас шунинг учун уни Хижозликлар мутлақ олми ва фақиҳ дерди.

Вафоти

Имом Молик(р.а.) илм ўрганиш йўлида бир қанча машаққатларга дуч келдилар ва аларнинг барчасига сабр қилдилар. У кишига бу борада қилган маломатларига парво қилмадилар. Илмни Аллоҳ йўлида сабр билан ўргандилар, шу сабабидлан ҳам у кишининг зўзлари Аллоҳнинг хузурида ва кишиларнинг наздида ва кейинги авлодларнинг наздида ҳам ўз эътиборлари ва ҳурматлари бордир. У киши ката шайх бўлиб етишдилар. Вафотлари дунёда ҳам, охиратда ҳам азиздир. Молик(р.а.)нинг вафотларини тарихчи олимлар (ҳижрий 179йилда) Мадинаи Мунавварда ва Бақиъ қабристониди дафн қилинганликларига иттифоқ қилганлар. Бошқа тарихчи олимлар эса бундан бошқа саналарни ҳам келтирганлар. Лекин бу сўзларнинг энг кучлиси ва ишонарлиси биз зикир қилган ва ишонга санадир.

Заҳабий у кишининг вафотларини (ҳижрий 179 йил)да эканлигин айтгандир. Бу эса энг тўғри сўздир⁶¹.

Асарлари

Имом Молик(р.а.) ўзларидан бир неча асарлар қолдирганлар . Уларнинг энг машҳурлари ва аҳамиятлиси ва фойдалиси ўзининг шогирдлари ривоят қилган бу “Мувоотто” асаридир. У киши ўз илмларини шайхимиз муҳаддис Ҳабибуллоҳ болон бувайрийдан ўргандилар. Уломолар давроасида ҳадисларни изоҳлаб айтгучи устозлардан бири бўлган. Менга катта уломолар ва муҳаддислар

⁶¹ Заҳабий “Тазкират ал-хаффоъ”, Ибн Халикон “Вафоят ал-аъён” ва б.

тамонидан Ҳиндистондаги бахтий мадарасасида таълим олишга рухсат бердилар.

Саййид Салмон ан-Нудавий (р.а.) айтади: Молик(р.а.)нинг ёзган асарлари бизнинг наздимизда баланд даражададир. Унинг барча шогирдлари “Мувавто” асарини Молик(р.а.)нинг асари эканлигини таъкидлаганлар. Бу ҳақида саҳиҳ ривоятларни айтганлар⁶².

Имом Шофий(р.а.)айтади: “Ер юзидаги китобларнинг “Мувавто”дан бошқа тўғриси кўрмадим⁶³”.

Имом Молик(р.а.)ўз асарларини “Мувавто”деб атлаганини сабабини айтадилар: Бу китобимни етмишта фақиҳга кўрсатдим , уларнинг барчалари ушбу китобни “Мувавто”деб номлашимни айтдилар. Олдин бу номли китоб бўлмагналигини ҳам зикир қилдилар. Ўз замонасида асар ёзган шоир ва олимлар ўз асарларини номларини баъзилари “Жомий”, баъзилари эса “Мусаннаф”, яна баъзилари эса ўз асарларини “Муаллаф”деб номлаганлар.

Бу ўринда “Мувавто”дан мурод эса енгилликни назарда тутганлардир.

Қози Иёз бу асарнинг Ибн Ваҳб ва қадарийларга ёзилган асарларнинг энг кучлиси эканлигини таъкидлайди. Бу китоб Молик(р.а.)нинг илмининг кенглигим ва зехни ўткирлигидан ёзилган раддиялар китобларининг ичида энг кчулисидир деб таъкидлайди. Яна Молик(р.а.)нинг 10 та қисимдан иборат баъзи қозиларнинг ҳукум чиқаришлари учун ёзган асарлари ҳам машҳурдир. Мадина аҳлининг катталаридан бўлган Муҳаммад бин Мутриф ва Холид бин Наззорлар ривоят қилган Ғассон Муҳаммад бин Мутриф га фатво чиқариши учун ёзиб берган китоби ҳам машҳурдир.

⁶² . Қози Иёз “Китоб тартиб Ал-Мадорик”204-б.

⁶³ Аз-Заҳабий “Тазкират Ал-Хафоз”193-б.

Ибн Ваҳбдан ривоят қилинган ривоятда шундай дейилган: Молик(р.а.)нинг тафсир борасида ҳам “муснад”номли ва “Китоб ал-Мажолисат”номли асарлари ҳам машҳурдир.Молик(р.а.) ўзларидаги бор барча илмларини ўз шогирдларига бердилар ва шубилан биргаликда ўзларинг бурчларини адо қилганлар десак муболаға бўлмайди.Ҳозирги уломоларга у кишининг асарларини ўрганиб ва ундаги масалаларни ўзларига олиб ўрганмоқлари ва бошқа кишиларга ҳам ўргатмоқлари лозимдур. Улар Расулулоҳ(с.а.в.)га бу диннинг ёйилиши ва кенгайиб мусулмонларнинг жамоаси кўпайиши учун хизмат қилдилар. Аллоҳ таоло уларнинг барчаларини ўз раҳматига олган бўлсин ва уларнинг барчаларидан рози бўлсин.

1.3. Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий

Насаби ва туғилиши

Макканинг ишончли ва ҳужжатли фақиҳи, олими, шофеъий мазҳабига нисбат бериладиган имомларидан биридир. У кишининг тўлиқ исмлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Идрис бин Аббос бин Усмон бин Шофеъ бин ас-Соиб бин Убайд бин Абд Язид бин Ҳошим бин ал-Мутоллубдир⁶⁴. Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг суннатларини маҳкам ушлаган имомлардан бирлари бўлганлар.Иззат соҳиблари бўлган Макканинг улуғ кишилари у кишининг насабларини Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг насабларига бориб тақалишини айтганлар.Унинг Шофеъ бобоси Расулуллоҳ (с.а.в.) билан учрашиб у зоти барокатдан илмни тўла ўргандилар. Унинг отаси Ас-Соиб “Бадр” урушидан бери у Бани Ҳошим авлодларининг бошқаруви остида бўлганлар ва унинг асирга олганларидан кейин исломни қабул қилганлардан бири бўлган. Ўз жонини фидо қилгандан кейин унга дейилди ; нима учун жонингни топширмасдан олдин таслим бўлдинг ? Деди : Мен мусулмонларни менга вафо қилганликларини таъна қилмайман⁶⁵.

Ибн Убайд ал-Бир айтади: Унинг насаби юқорида зикри ўтди.У Шофеъ бин ас-Соиб бин Убайд бин абд Язид бин Ҳошим бин Мутолиб бин Абд Манноф бин Қусайдир. Наби (с.а.в.)ҳам Ҳошимийлардандирлар. Шофеъ ва Ҳошим ва Мутоллуб Абдуманнофнинг фарзандларидир. Абдуманнофнинг тўртта фарзанди бўлган. Ҳошим, Муталлиб, Навфал, Абушамсбану, Абдуманнофдирлар. Шофеъийининг 150 х.й..да туғулганлтклари тўғрисида ихтилоф йўқ.Бу йилда Абу Ҳанифа (р.а.) вафот топгандирлар⁶⁶. Имом (р.а.)Қурайш оиласида Фаластининг Ғазо шаҳрида хозирги Шом давлатида туғулганлар⁶⁷.

⁶⁴ Ибн Халикон “Вафоят ал-Аъён” 447-б.

⁶⁵ Ибн Халикон “Вафоят ал-Аъён”.

⁶⁶ Ибн Абд ал-Бир “Ал-Интиқо” 67-66-б.

⁶⁷ Ибн Абд-ал-Бир “Ал-Интиқо”:б-66-б.

Хулқи

Ал-Арабий Робийдан ривоят қилади: Шофеъий шаҳарга келдилар ва илм ўргандилар ва ўзларидан кейин бир мустаҳкам йўлни ва бирнеча асарларни қолдирдилар. У киши шаҳарда халойиқнинг хоқимлари Жумладан : Абдуллоҳ бин Ҳаким ва унга ўхшашлар билан мажлислар ўтказардилар .Имом (р.а.)чиройлик юзли, яхши хулқли эдилар. Шунинг учун ҳам у кишини шаҳарнинг фақиҳлари . олимлари ва ҳакимлари яхши кўрардилар⁶⁸.

Шофеъийнинг ўзлари бу ҳақида шундай деганлар: ”Мен Қуръондан ҳадисдан наҳвдан ёки шунга ўхшаш бошқа илмлардан бирор нарсани ўрганадиган бўлсам,буўрганиш жараёнида ҳамиша одоб ахлоққа риоя қилар эдим.” Мадинага келгунимча бу менинг одатим эди. У ерда мен Имом Моликни кўрдим .У салобатли илмни улуғлайдиган кишини учратмаган эдим.Одоб-ахлоққа бўлган аҳамиятим ошдики Имом Молик дарсларида у киши вароқ шитирлашларини эшитмасликлари учун ниҳоятда мулойимлик билан вароқлар эдим. Ул зотда барча яхши фазилатлар мужассам эди.Унинг билими ва ақли ривожланиб, комиллик даражасига етди. Бу ҳақида Абу Убайд Ал-Қосим ибн Салом шундай деди: ”Мен Шофеъийданда комилроқ инсонни кўрмадим”. Пайғамбаримиз ҳам шундай хислатлар эгаси эдилар. У ахлоқи , одоби мақтовга сазавор сифатлари Расулуллоҳ(с.а.в.)ни севиши каби фазилатлари билан ажралиб турарди .Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин.

Илм олиши

Имом Шофий илмга чанқоқ эдилар. У ўз даврларидаги буюк имомларнинг сўзларини ривоят қилганлар. Молик ибн Анас, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний, ал-Фазл ибн Иёд, Муҳаммад ибн Абу Фадик, Муҳаммад ибн Холид ал-Жундий, Марвон ибн Муовия ал-

⁶⁸ Ибн Абд ал-Бир “Ал-Интико” 66-67-б.

Фазорий , Муслим ибн Холид аз-Занжий, Мутараф ибн Мозин ас-Салоний , Воқеа ибн Жарроҳ –улуғ уламолардан бири, Яъқуб ибн Саид ал-Қаттоний, Юсуф ибн Яқуб ибн ал-Можишун ва Усома ибн Зайд ибн Аслам ал-Адвий , Исҳоқ ибн Юсуф ал-Азрақ ал-Васатий, Иброҳим ибн Саъд ибн Иброҳим аз-Зухрий ва Иброҳим ибн Хуррам ва бошқалар. У ўзи ёзган кўплаб китобларида уларнинг исмларини қайд этган⁶⁹.

Заҳабий деди: У амакиси Муҳаммад ибн Али, Иброҳим ибн Яҳё, Абдулазиз ибн ал-Мапжишун Молик ибн Анас ва бошқалар ҳақида айтиб ўтилган⁷⁰. Илм ўрганишга киришдилар ва Муслим ибн ал-Занжий ва бошқалар каби олим бўлди. Зирикли айтади: Имом Молик ва Муслим ибн Холид аз-Занжийдан илм олди ва улар даражасига етди⁷¹. У улуғ уломолардан илм олишдан тўхтамади. Уламоларнинг ишончини қозонди. Илм йўлида кўп заҳматларни чекиб ўзга юртларда яшади. Шу тариқа кўплаб имомлар қорилар ва олимлардан илм ўргандилар.

Устоз ва шогирдлари

Имом Шофеъийнинг устозларидан ўрганган илмларини мустаҳкамлаганликларини бизгача етиб келган “Ал-Мунақиб” ва “Ат-Тарих” асарларидан билиб олганмиз. Шунингдек одамларнинг ундан кўпгина нарсаларни ўрганганликларига ишонч хосил қилдим.

Заҳабий деди: Ул зотдан Ахмад , Хомидий, Абу Абид, Ал-Бувайтий , Абу Савр , Арробий , Аз-Зафароний ва имом Савоҳимлар ривоят қилади⁷². Хармала айтади: Шофеъийни шундай деганини эшитдим: мен Бағдодни ҳадис энг ривожланган жой деб биламан. Имом Шофеъийдан илм олган шогирдаридан кўзга кўринадигани Хармаладир. У киши эътиборга лойиқ инсон эди. Ул зотдан айри шайхлар унга замондош бўлган одамлар кўп нарсаларни ўргандилар. Биз эса , баъзи хамроҳларни ва у ҳақидаги

⁶⁹ Муъжам ал-Мусоннифийн. –Қоҳира: Ал-хайъа ал-мисрия ал-амма лил-китоб. 1994. Б. 213

⁷⁰ Тазкиратул хуффоъ

⁷¹ Аз-Зириклий ал-аълум 3-343-б.

⁷² Заҳабий Тазкиратул хуффоъ 1-329-б.

ишончли маълумотларни зикр қилдик. Ибн Ҳажир Ҳижозлик ва Ироқлик ва Мисрлик бўлган ўнта шогирдларини номини тилга олади:

Ал-ҳамидий Абу Бакир Абдуллоҳ бин аз-Зубайр ал-Қирший, Сулаймон бин Давуд бин Айюб ал-Бағдодий ал-Ҳашимий, Ахмад бин Ханбал ал-имом ал-Маъруф, Абу Савр бин холид ал-Калбий, Хармал бин Яҳё ат-Тажидий, Аз-Заъфар анил Ҳасан бин Муҳаммад бин ас-Сабаҳий, ал-Музний Абу Иброҳим Исмоил бин Яҳё ва бошқалардир⁷³.

Бу шогирдалри улардан тинимсиз илм ўрганганлар ва олган илмларини энг кўп тарқатганлар.

Имоми Шофеъий раҳимаҳуллоҳу алайҳ ёшлик чоғлариданок уламолар орасида кучли зехн ва заковоти билан ажралиб турар эдилар. Имоми Шофеъий раҳимаҳуллоҳу алайҳ Молик ибн Анас олдиларига бориб унга у зотнинг «муатто» китобини ёддан айтиб берганларида Имоми Молик ибн Анас шундай деган эканлар «агар бир киши улуғ мартабага эришса албатта мана шу йигит эришади». Абу Ҳасан Аз-зиёд бу ҳақида қуйидаги ривоятни келтиради. «Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний Имоми Шофеъийни шундай ҳурмат қилар эдиларки илм аҳли орасида бирор кишини уни ҳурмат қилганчалик ҳурмат қилганини кўрмадим» Имоми Шофеъий раҳимаҳуллоҳу алайҳнинг шогирди жуда ҳам кўп эди. Шунинг учун ҳам унинг фикҳий таълимоти кўплаб шаҳарларга тарқалди Масжидул Ҳаромда талабалар ундан таълим олишарди. У Қуръон ва суннатдан ижтиҳод билан олинган масъалаларини тушунтириб берарди.

Вафоти

“Китабус Сунан” ва кўп китобларнинг барчаси 4 йил ичида чиқарди. Шу билан бирга жуда қаттиқ касал эди. Гоҳида отга миниб турганида қон чиқиб шалварига ва махсисига тўлиб оларди. Яни бавосил касаллигига чалинган эди. Хоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳдан ривоят қилиб айтдики: Шофеъий (р.а.) бавосил касаллиги билан қаттиқ оғриганидан хатто хулқи

⁷³ Муъжам ал-Мусоннифийн. –Қоҳира: Ал-хайъа ал-мисрия ал-амма лил-китоб. 1994. Б.261-262

ёмонлашган. Уни шундай деганини эшитдим: мен билиб туриб хато қиламан. Маъзани Шофеъий (р.а.) ўлим тўшагида ётганида кўргани кирди. Эй устоз қандай тонг оттирдингиз. Шофеъий (р.а.) айтди: дунёдан рихлат қилувчи бўлиб ва дўстларимдан айрилгувчи бўлиб тақдир адоғидан ичгувчи бўлиб ва Аллоҳ таоло хузурига боргувчи бўлиб ва ёмон амалимга йўлиқувчи бўлиб тонг оттирдим. Сўнг бир тарафини осмонга қаратиб кўз ёши қилди ва қуйидаги шерни ўқиди:

Ва ҳар бири айтди: Шофеъий (р.а.) айтдики Идрис Обидга бориб айтгинки мен учун Аллоҳга дуо қилсин. Абарий Ибн Абдулҳакамдан ривоят қилиб айтадики у кишидан маййитни хузурида Қуръон тиловат қилиш хақида сўралди. У киши айтди: бизни дўстларимиз Шофеъий (р.а.) бошларида тўпланишган эди ва улардан бир киши “Ёсин” сурасини ўқир эди. Улардан бирортаси бу ишни қайтармаган. Ва усулга тайёрладилар то кафанлангунларича оёқда тик турдилар⁷⁴. Ибн Халликон ва Захабий ва улардан бошқа тарихий олимлардан Маноқиб ва Хатиблар Шофеъий (р.а.) вафотлари хижрий 204-йилда бўлганлигига иттифоқ қилдилар. Ва ибн Халликон айтадики: у кишининг вафотлари ражаб ойининг охири жумъасида бўлган ва ўша куннинг асрида дафн қилинган ва вафотлари Мисрда бўлган⁷⁵.

Асарлари

Шофеъий (р.а.)ни ёзган китобларини кўпгина олимлар ва тарихчилар зикр қилганлар. Шофеъий (р.а.) ўткир ақли ва ёрқин фикри етган нарсаларни ёзади. Ва у кишидан китоблари, шогирдлари ўзидан кейин ривоят қилинган. Шофеъий (р.а.)нинг биринчи ёзган китоби “Ал-Хужжат” китобидир. Бу китоб “Қадим” деб номланадиган нарсани ўз ичига олади. Ва бу китоб Шофеъий (р.а.) Муҳаммад ибн Хасан китобларини ўқиб чиққанидан кейин ёзилди.

⁷⁴ Вафаётул аъён

⁷⁵ Аз-Захабий Тазкиратул хуффоз

Шофеъий (р.а.)дан Мисрда ёзилган “Ал-умм” китоби қолгандир. Ва Шофеъий (р.а.)дан “Ас-Сунан” китоби ҳам ривоят қилингандир. Ва Суютий “Хуснул Мухозара” китобида айтилишича Мисрда “Ал – умм” китобига ата имлоларга ўхшаш янги китобларни ёзди. Шу тариқа Шофеъий (р.а.) ўзини китоблари ва таснифлари ёзган. Ирода ёзган китоблари “Қадим” деб номланган китобларини қайтадан ёзди. Ва янгитдан назар ташлаб чиқди. Ва Мисрда ёзган китоблари эса уларни янгитдан ёзганлиги зохир бўлинади. Ва “Жадид” деб номлади. Ва Аллоҳ тавфиқининг эгасидир.

1.4. Аҳмад ибн Ханбал (р.а.)

Насаби ва туғилиши.

Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ханбал ибн Хилол ибн Асад аз- Зухрий ал- Марвазий ал- Бағдодий (р.а) ҳижрий 164 йилда таввалуд топган⁷⁶.

Ибн Халликон айтадилар: "У кишининг оналари хомиладорлик вақтларида марвдан чиқиб кетганлар ҳамда у киши 164 йилнинг "Роббий ул-аввал" ойида Бағдодда туғилганлар, шунингдек у киши Марвда туғилиб, оналари Бағдодга эмизиклик даврларида олиб келганлари ҳақида ҳам фикр бор, лекин бу фикрларнинг дастлабкиси саҳиҳ ҳисобланади, яъни у кишининг оналари асли Басрадан бўлиб, оналари хомиладорлик вақтларида Бағдодга кўчиб ўтишган ва у киши шу ерда туғилганлар, ушбу фикрни у кишининг оталари ҳам таъкидлаб ўтганлар

У кишининг асл келиб чиқиши араб бўлиб, у кишининг оналари "Робийату Аднония" қабиласининг вакили бўлмиш Шайбонга бориб тақалади.

Абу Заҳра айтадилар: Имом Аҳмад (р.а.) Бағдодда ўсиб - улғайдилар ҳамда дастлабки тарбияни шу ерда олдилар, Бағдод тил,фалсафа, фикҳ, ҳадис ва бошқа соҳа уламолари, одамлари гавжум бўлган шаҳар эди, ушбу муҳит у кишининг Аллоҳнинг марҳамати ила ҳадис ва фикҳ имомлардан бири бўлишларига, Ислом олами йўл тутадиган мазҳаб асосчиси бўлишларига сабаб бўлди, хатто, бугунги кунда ҳам баъзи бир Ислом давлатларида суд ва фатво соҳалари у кишининг мазҳабларига асосланади, у кишининг кетидан эргашувчи издошлари бор, илм толиблари ўрганишади.

Хулқи

Ал - Хотиб ўзининг "Тарих" асаарида шундай дейди: Муҳаммад ибн Аббос ибн Волид ан – Нахвий Абу Довуднинг илмий кенгашида шундай деди: "Отамнинг шундай деганини эшитганман": Мен Аҳмад ибн

⁷⁶ Аз-Заҳабий Тазкиратул хуффоэ 117-б.

Ханбални яхши одам сифатида Абу Ханифанинг дўсти сифатида биламан, у Имом Шофеъий билан доимо бирга бўлган, ундан фикҳни ўрганган ва унинг китобларини ўқиган⁷⁷.

У кишини дағал лекин оқ кийим кийиб юранларини кўрганман . Бошларига салла ўраб, изар кийиб юрардилар. Баланд бўйли, озгин, буғдой рангли ва жуда тавозеъли киши эдилар. Бўйлари ўрта ва узун бўйли ўртасида бўлсада, баланд бўйли бўлиб кўринардилар. Таналари заиф эди. Такводор, диёнатли ва гўзал ахлоқ эгаси эдилар. Инсонларга ва ўзларига нисбатан ҳаққоний эдилар. Амирларга яхши насихатлар қилиб турардилар.

У соқолини ҳинага бўярди, унинг кийими қаттиқ ва оқ матоданлигини, салла ва озор кийганини кўрганман. Келтиришларича у узун бўйли, озгин, буғдойранг ва жуда камтар инсон бўлган. У ўрта ва узун бўйлилик орасида бўлмаган, чунки у узун бўйлиликка яқинроқ бўлган. Шунинг учун у одамга узун бўйли бўлиб кўринган. У зуҳд йўлини танлагани учун озгин бўлган. Гўзал ахлоқли, ростгўй инсон бўлиб, амирларга панд-насихатлар қиларди.

У фақат ҳалол ризқни танларди, бир шубҳаси бўлган ризқдан четланарди. Хаттоки амир ва ҳалифаларнинг мукофотларидан ҳам сақланарди. У Абу Ханифа (р.а) каби солих, пок инсонларнинг йўлидан борган. Имом Ханифа (р.а)нинг ҳам шундай одати бўлиб, амирлардан мукофотларни қабул қилмаган.

Имом Аҳмаднинг илм олиши

Имом Аҳмад улғайган Боғдод шаҳрида юқорида айтиб ўтганимиздек илм-фаннинг турли шакллари жам бўлган эди. Аммо Имом Аҳмад фикҳ илмини сўнгра ҳадиси шариф илмини ўрганганлар, унинг илмга бўлган катта иштиёқи оиласига ҳам ўзининг таъсирини ўтказган. Бу

⁷⁷ Тарихи Боғдодий 4-416-б.

нарса эса унга дини ва дунёси учун барча яхшиликларга эришишга ёрдам берган.

У Қуръонни ёшлигида ёд олди, луғатни ёзма тарзда мукаммал ўрганди. Унинг ўзи айтади: Мен ёш бола эдим. Бир китобга сўнгра девонга берилар эдим. Ўшанда ўн ёш эдим. Сўнг уламолар тўғарагига кўшилди, улардан таълим олди ва ҳадислар тинглади.

Ибн Қайюм бу ҳақида айтади: Аҳмад ҳаётининг ўртасида ҳадис ровийлари ва унинг усуллари танлади ва улардан билим олишга ҳар доимги қизиқиши билан берилди. Маълум бўлишича, у муҳаддислардан таълим олишдан илгари раъй ва ҳадис орасини жамлаган фақиҳларнинг йўлини танлаган. Юқорида келтирганимиздек, у илм излаб сафар қилган. Басрага сафар қилиб у ердаги олимлар ва ҳадис аҳлларидан таълим олган, кейин Ҳижозга бориб муҳаддислардан ҳадис тинглаган, сўнг кетма-кет сафар қилаверган. У яманга сафар қилди ва Абдурраззоқ ибн Ҳишомдан таълим олди. Яманга сафаридан олдин ҳажни ният қилди, ҳаждан кейин Абдурраззоқнинг олдига боришни мақсад қилди. Сўнг дўсти ва шогирди Яхё ибн Муъинга айтган эди, бу борадаги мақсадлари бир жойдан чиқди Шу тарзда Имом Аҳмад мусофир ва муқимлик ўртасида таълим олган, хатто у улуғ даражаларга эришди ва эргашиладиган имомлардан бирига айланди.

Устоз ва шогирдлари

Имом Аҳмад яшяган даврда барчанинг диққат-эътиборидаги шаҳар ва олимлар жамоаси жамланган макон ва аббосийларнинг ҳалифалик маркази Бағдод бўлган. Ўша вақтда илмларнинг турли қисмлари шаклланган, илмлар турли қисмларга бўлинган эди. Аммо Имом Аҳмад фақатгина фикҳ ва ҳадис йиғишга ўзини бағишлаган бўлиб, ҳадис илми уламо ва хофизларини ҳадисдан таълим олиш учун доим қидирар эди. У Бағдод шайхларидан таълим олишга муваффақ бўлган ва бошқа кўплаб шаҳарларга сафар қилган. У дастлаб Ҳижоз сўнгра Яман ва

Шом шаҳарларига сафар қилди. У ҳадис тинглаган олимлар: Исмоил ибн Уля, Хайсам ибн Башир, Хаммод ибн Холид, Мансур ибн Салама ал-Хаззоий, ал-Музаффар ибн Мадрок, Усмон ибн Умар ибн Фарис, Абу ан-Назр Ҳошим ибн Қосим, Бани Ҳошимнинг қули Абу Саид, Муҳаммад ибн Язид, Язид ибн Ҳорун ал-Қосимий, Муҳаммад ибн Абу Адий, Муҳаммад ибн Жаъфар Ғандар, Яхё ибн Саид ал-Қаттон, Абдуррахмон ибн Маҳдий, Абу Довуд ат-Тоялусий, Ровҳ ибн Убодо, Вакиъ ибн ал-Жарроҳ, Суфён ибн Уяйна, Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий, Иброҳим ибн Саъд аз-Зухрий, Абдураззоқ ибн Ҳамом. Санок давом эттирилса, катта рўйхатни ташкил қилиши мумкин. Шунинг учун айримларини келтириш билан чегараланиш керак⁷⁸.

У Абу Юсуфдан Абу Ҳанифанинг фикҳини ўрганди, шариат асосларини тушунди. Имом Шофеъийдан улкан фойдалар олди ва унинг этагини тутди. Имом Аҳмад Шофеъийнинг олдига Маккага сафар қилди ва унинг ҳузурига борди. Сўнг Яманга Абдураззоқ ибн Ҳишомнинг олдига сафар қилди Ўзлари бу ҳақида: “Мен биринчи бўлиб ҳадисини ёзган инсон Абу Юсуфдир” деганлар сўнгра Шофеъийга бирики бундан фикҳ ва носих-мансухни ўрганди. Уайтади: “Мен ҳадисдаги носих ва мансухни то Шофеъийнинг мажлисида ўтирмагунимча билмас эдим.”

Аллоҳ Имом Аҳмадни ва унга суннатдан фикҳни истинбот қилишни таълим берган шайхларини ўз раҳматига олсин.

Имом Аҳмад ҳадс ва ривоятларни ёдлашга қаттиқ қизиққан. Ўзининг ҳадис ёзаоладиган ва ҳадис ривоят қиладиган тўғараги бўлиб, унда кўп сонли ўқувчилар йиғилган.

Ибн Ҳалликон айтади: ул зотдан улуғ тоифадаги ҳурматли инсонлар ҳадис ўрганишган. Улардан: Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсабурий, ўғиллари Солиҳ ва

⁷⁸ Муъжам ал-Мусоннифийн. –Қоҳира: Ал-хайъа ал-мисрия ал-амма лил-китоб.1994. Б.312-313

Абдуллоҳлардир⁷⁹. Хотиб бунга қўшимча тарзида айтади: унда кўп сонли олимлар ривоят қилишган, улардан баъзилари Қуйидагилардир: Абу Ҳотам ар-Розий, Иброҳим ал-Ҳарбий, Мусо ибн Ҳорун, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳорун⁸⁰.

Шогирдлари ундан ҳадис ривоят қилишни таълим олишган. Унинг ўғли “Аҳмад муснади” дея танилган муснадини ривоят қилган. Унинг кенг тарқалган ва шогирдларига буюрган фикр-мулоҳазалари муснадга кирган.

Имом Аҳмад ҳифз ва илмда бир мўъжиза, хужжат ва имом эди. Хатто унинг замондошлари уни гўзал мақтовлар билан ёдга олади.

Али ибн ал-Мадиний айтади: Бизларнинг орамизда Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбалдан кўра хотираси кучли инсон йўқ эди. Айтади: Мен Абу Абдуллоҳни эллик йилдан бери биламан. У фақат хайрни зиёда қиларди, холос. Унинг замондоши ал-Қосим ибн Салом айтади: “илмнинг сўнггига тўрт киши етиб борган, Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадиний, Яҳё ибн Муъин ва Абу Бакр ибн Шайба, уларнинг ичида Аҳмад фақиҳроқдир, мен ундан кўра суннатни яхши биладиган кишини кўрмаганман”⁸¹.

Сафар ва муқимликда у билан сафар қилган шогирди айтади: Аҳмаднинг тоқати етган нарсага бизнинг тоқатимиз етмайди, хатто Аҳмаднинг йўлини тутишимиз қийин.

Аҳмаднинг софдиллиги нафақат замондошлари орасида, балки ислом уммати ичида шу тарзда танилган эди. Ул зот (р.а) ўз асрининг имоми, замонасининг билим, тақво, сабрда ва ғам-андухларни енгишда ягона шахс бўлган. У зот Аллоҳнинг мўъжизаларидан бири бўлган.

Имом Аҳмаднинг хаёти зоҳидлик, ибодат, билим, фазл ва ғам-андухларга чидаб ҳаёт кечирди. Қуръонни махлуқ дейишга мажбурланиши оқибатида оғир синовни бошидан ўтказган. У то териси

⁷⁹ Вафаятул аъён 1-17-б.

⁸⁰ Тарихи Боғдодий

⁸¹ Муъжам ал-Мусоннифийн. –Қоҳира: Ал-хайъа ал-мисрия ал-амма лил-китоб.1994. Б.323

илвираб кетгунча қамчи зарбаларига бардош берди. Унинг бошидан ўтказган оғир синови ҳақидаги мавзуга алоҳида тўхталамиз. У мусулмонларнинг имоми бўлишга муносиб инсондир. Унинг шаънига номуносиб сўзларни гапирганлар унинг динига ва исломга тухмат қилган ҳисобланади. Бу ҳақида Имом Аҳмад ибн Иброҳим ад-Даровсий : “ ким Аҳмад ҳақида ёмон гапларни гапирса, унинг исломига тухмат қилаверинглар” деган эди.

Вафоти

Имом Аҳмад бу оғир синовни Маъмун замонида бошдан кечирган. Ҳалифа Маъмунни ҳақ ва суннати мутоҳҳара йўладан адаштиришди. У Қуръон махлуқдир деган фикрни қабул қилган аббосий халифадир.

Ибн Маданий айтади: “Аллоҳ бу динини икки киши билан улуғлади. Уларнинг учинчиси йўқ. Улар муртадлар жанги кунида Абу Бакр ва кулфатлар кунида Аҳмад ибн Ҳанбалдир”.

У уламоларнинг иттифоқига кўра 241-йилда вафот этди. Яна бир ривоятга кўра у жума куни боғдодда вафот этди ва шу ерга дафн қилинди.

Асарлари

Имом Аҳмад (р.х.) фикҳ илмига қараганда кўпроқ ҳадис илмига эътиборни қаратди. У ҳадисни ёддан тартиб билан ёдлаган. Шунинг учун ҳам биз Имом Аҳмадни фақатгина китобдан ҳадис айтганлигини кўрамиз. У биринчи аҳкомларни ҳадисдан чиқариб олган. Бу аҳкомлар шундай ҳуқумлки улар борасида Қуръон, суннат ва саҳобаларнинг ривоятларидан бирор далил бўлмаган. Имом Ҳанбал асарида Шофеъий, Молик ва Ҳанифа (р.а) каби салаф ва машиҳлар ҳал қилмаган бирор масалани топиш мушкул Имом Ҳанбал ўзи зарур бўлган баъзи масалалардагина ижтиҳод қилган. У ўзининг фикҳий фикрларини ёзишга руҳсат бермаган. Шу сабаб унинг асарларида фақатгина талабаларига айтган гаплари ёки ҳадисдан қилган ривоятлари ва Аҳмад ибн Ҳанбал муснади дея танилган муснадида жамланган ривоятларнигина учратиш мумкин. “Муъжаму ал-

Мусонифий” соҳиби Имом Аҳмаднинг асарлари ҳақида айтган сўзларига тўхталамиз: “Имом Аҳмадга кўпгина китоблар тегишли ҳисобланган Ибн ан-Надм ал-Бағдодий уломолар мундарижасида Имом Аҳмаднинг қуйидаги асарларини келтиради:

- ❖ Китоб ал-амал,
- ❖ Китобун Носух ва Мансук,
- ❖ Китоб ат-Тафсири, Китоб аз-заухд,
- ❖ Китоб ал-Масоил,
- ❖ Китоб ал-Фазоил,
- ❖ Китоб ал-Маносик,
- ❖ Китоб ал-Имон

“Кашф аз-Зунун” китобида Имом Аҳмаднинг қуйидаги асарлари зикр қилинган:

- Китоб ал-Ашриба ас-Собир,
- Китоб ал-Эътиқод. Бу китобни Имом Аҳмад ривоят қилган. Абу Фазл Абдул Боҳир ат-Тамимий еса уни оғизаки айтиб ёздирган.
- Китоб ал-Имон.

Китоб аз-Зухдда айtilганки, бу асар шу бобда ёзилган асарларнинг энг афзалидир. Ибн Таймия ҳам худди шундай фикрни билдирган.

- Китоб ал-Маноқиб Али ибн Абу Толиб(р.а.)
- Китоб ал-Муснад ҳақида айтадики: бу китоб 30000 ҳадисни ўз ичига олади.
- “Тарих ал-Кабир” ҳам унга нисбат берилган.

II БОБ. МАЗҲАБЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ҳанафий мазҳаби.

Имом Абу Ҳанифанинг усули

Имом Шофеъийнинг айтишига кўра, ўтган замонларда Имом Абу Ҳанифа имомлар имоми, фақиҳлар фақиҳи бўлгани, одамлар унга боғланганлигини сўзлаган эдик, Аллоҳ унга тенги йўқ зехн, кучли ақл, масалаларни аниқ таҳлил қилиб ечадиган, ҳукмларни саломат ва собитлигига шубҳа йўқ далил ва ишончли асослар билан чиқарадиган ўткир фикр берган, унунг исми машҳур бўлди ва дунёга ёйилди, уни уламолар билан оддий одамлар бир хил даражада яхши мойиллик ва ёқимли кафолат билан қабул қилди, у ўз исмини қуришда мусулмон инсонга уни инкор қилиши ёки заиф деб ҳисоблаши мумкин эмас мустаҳкам кучли асосга таянди, ҳаттоки у Расулulloҳ (с.а.в) саҳобаи киромлар ва тобеинлар давридаги мусулмонларга таянишга келишиб олди.

Бу имом ўз кучи билан ўзининг усуллари баён қилиб дейди:

1-Аллоҳ китобига таянаман.

2-агар топмасам Расулulloҳ (с.а.в) суннатларига таянаман.

3- агар топмасам саҳобалар сўзларига таянаман, агар ихтилофда бўлсалар Қуръон ва суннага энг яқин бўлганига таянаман ва улардан чиқмайман.

4-агар уларнинг ҳеч бирларидан бир сўз топмасам ҳеч бир тобеиннинг сўзига таянмаймиз, балки улар ижтиҳод қилгандек ижтиҳод қиламиз.⁸²

Қуръони карим:

Унинг сўзи: Аллоҳ китобига таянаман: у Аллоҳнинг ҳимояси билан сақланаётган китоб Қуръони мажиддир, у Аллоҳнинг каломи бўлиб, баёни қани, ҳукми қани шариат қилиб нозил қилган, Аллоҳнинг сўзи: якуний

⁸² Ибн Ҳажр ал-Ҳайсамий ал-Хаййирот ал-хисон 26-б.

мазмунни яшириб қўйган, тафсилотсиз таминий мазмуни гумонли ва шубҳасиз унинг далолати маънони очувчидир, унинг мисоли сифатида Аллоҳ таолонинг сўзи: ”Қуръондаги бу оят рамазон ойида рўза фарзи баёнотида аниқ кўзга кўришиб туради, ундаги ҳукм шубҳасиз асос, унинг яралишига келсак, маънонинг яширилиши ва таминий маъно, бу исм Қуръонда кўп ва у баҳсимизда бизга зоир бўлганидек, мужтаҳид ва фақиҳлар соҳаси {Ҳадиси шарифда то`рт имомнинг қонунлар фикҳи}

Суннати мутоҳҳара

Суннат – у динда бориладиган йўлдир, йўл усулларида олинган, қайтувчининг сўзидан: сувнинг ёши агар оқса ўз йўлида оққунга қараб маълум⁸³.

Суннат Пайғамбар (с.а.в) сўзлари, феъллари, тақрирлари, ахлоқий сифат ёки одобликларида мустаҳкамланган.

Қуръони карим баён қилишича, суннати мутоҳҳара қонунчилик манбаси, Аллоҳ моъминларни унга амал қилишга ва унинг йўлига юришга буюрди ва Аллоҳга ҳамд санолар бўлсинки, у айтади: ”Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олинглар, у сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар”. Абу Ҳанифа эътироф этганки, шариатнинг иккинчи манбаси суннат Қуръон билан тушган, ундан вужудга келган кўриниш ҳисобланади.

Абу Ҳанифа уни ягона мартаба билан эътироф этмаган, дарҳақиқат у қавлий суннатни феълийдан афзал кўради, эҳтимолки, феълий Расулуллоҳ (с.а.в) га хосдир ва шунингдек, суннатда қарама-қаршиликда агар улар орасида жамлик бўлмаса, оҳаддан кўра мутавотир афзал кўрилади.

Саҳобаларнинг сўзлари

Агар Расулуллоҳ (с.а.в) саҳобалари у ҳақида келишиб олмасалар ва унда ихтилофда бўлсалар уни бир саҳоба ўзича қилмаган. Биз Абу Ҳанифа унга таянганини ва ундан четга чиқмаганини кўрамиз, агар ихтилофда

⁸³ Имом ас-Сарахсий Усулул фикҳ 113-б.

бўлса, унда аввало Қурьони каримга яқинини қидирган, агар бўлмаса Расулуллоҳ (с.а.в) суннатларига яқинини қидирган, Имом ас-Сарахсийнинг “Усулул фикҳ”ида зикр қилинганидек, уларнинг ҳеч бирларининг сўзидан чиқмаган ва таққослаб қилмаган⁸⁴.

Абу Мутиъ ал-Балхий Абу Ҳанифадан сўради: Агар сенда бир фикр бўлса ва Абу Бакрда шу каби бир фикр кўрсанг, унинг фикри олдида ўз фикрингни ташлаб юборасанми? деди. У деди: :Агар сенда бир фикр бўлса ва Умарда бир фикр бўлса унинг фикри олдида ўз фикрингни ташлаб юборасанми? деди. У деди: сўнгра ундан Усмон ва Али ҳақида сўрадим ва шу тарзда жавоб берди ва деди: Мен барча саҳобалар фикри олдида ўз фикримни ташлаб юбораман.

Сўнгра, агар Абу Ҳанифа саҳобалар суннатини кўрса, унинг изидан борган, унга мувофиқ ишлаган, унга хилоф равишда иш тутмаган, шунингдек, саҳобаларнинг сўзи ва феълини суннат деб ҳисоблаган⁸⁵

Ижтиҳод ва қиёс

Унинг сўзи: дарҳақиқат, улар, яъни саҳобаларнинг бирорта ҳам тобеъин сўзига таянмаймиз, балки улар ижтиҳод қилгандек ижтиҳод қиламиз деганини топмадим, бу шунинг учунки, саҳобаларнинг баъзиларига кўринишидан билганимиздек, улардан ривоят қилинганидек, у уларнинг даврида яшаган ва у ҳам тобеин фақиҳлардан бўлган. Қурьони карим ижтиҳодни улуғлаган ва у Аллоҳ азза ва жалланинг сўзи билан уни шариат усулларининг асоси деб ҳисоблаган.

Расулуллоҳ (с.а.в) нинг нутқлари унинг ижтиҳодга ҳавасини келтиради ва Қуръоннинг матнида нозил бўлмаган ҳодисаларнинг муносиб ечимини ўйлаб чиқарди., у Қуръон ва суннатдан матн келтирилмаган ва ўз замоналарида содир бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг

⁸⁴ Имом ас-Сарахсий “Усулул фикҳ” 242-б.

⁸⁵ Сарахсий “Усулул фикҳ” 342-2-б.

ечимида Расулуллоҳ (с.а.в) нинг йўлларида борилари учун, илм ва ақл аҳли учун аниқликдир.

Истихсон

“Истихсон” лугатда “бир нарсани яхши деб ҳисоблаш” маъносида ишлатилади. Яъни бир нарсанинг яхшисини, гўзалини, мусттаҳкамани излашдир. Аллоҳ таоло айтади: "Эй Мухаммад, Менинг бандаларимга — сузга к,улок, тутиб, унинг энг гузалига эргашадиган зотларга хушхабар беринг!" ⁸⁶. Усул истилоҳида эса, "мухтаиднинг очик,-равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтиши" тушунилади. Яъни, бир ишни нассга (шаръий ҳукм асосларига) қиёс этиш имкони булмаса, факих ижтиҳод қилиб, одамларга осон булиши мақсадида истихсон қоидаси билан ҳукм чиқаради. Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ шаръий ҳукм олишда истихсонга асосланиб ҳукм чиқаришни қабул қилганлар. Усулул фикҳ китобларида истихсоннинг нима экани мисоллар асосида яхши баён қилинган.

УРФ

Факихлар урфнинг шаръий далиллигини эътироф этиб, уни қабул қилишган. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ҳам Абдуллоҳ, ибн Масъуддан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисга асосланиб урфни қабул қилганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Мусулмонларнинг купчилиги нимани яхши деб билса, у Аллоҳ, хузурида ҳам яхшидир". Имом Ахмад ибн Ханбал раҳимахуллоҳ ҳам урфни шаръий далил деб қабул қилганлар."Урф" деб кишилар ўрганиб-одатланиб қолганлари туфайли қиладиган ва шариат таълимотига зид булмаган ишларига айтилади. Аммо бу одатлар шариатга зид булса, уни рад ва инкор этилади. Чунки шариатга зид булган одатларни улуғ имомлар, етук факихлар у ёқда турсин, хаттоки хар қандай оми мусулмон ҳам қабул

⁸⁶ Зумар сураси 17-оят.

қилмайди. Шунинг учун шариат таълимотига зид урф-одатларни мазхаб бошлиқлари, фақиҳларимиз асло қабул қилмаганлар. Демак, урф агарда шариат таълимотига зид бўлмаса, Қуръони Каримда у ҳақда аниқ, далил бўлмаса ва Расулуллох (с.а.в.) ҳадисларида ҳам баёни келмаган бўлса шундагина урфни фикдий ҳукм олишга асос сифатида қабул қилинади.

Абу Ҳанифанинг муснадлари

"Муснад" деб бир сахобийдан ривоят килинган барча ҳадисларнинг бир жойда келтирилишига айтилади. Яъни, бунда ҳадислар мавзуга караб тартибга солинмайди ва бобга ажратилмайди, балки бир сахобийдан ривоят килинган ҳар хил мавзуга оид ҳадислар бир жойда кетма-кет баён қилинади.

Абу Ҳанифа раҳимахуллох айтдилар: "Менда ҳадис тўла сандиклар бор-у, мен улардан озгина кераклигина чиқардим". Абу Ҳанифанинг фазилатлари ҳақидаги китобда муаллиф айтади: "Абу Ҳанифа қирқ минг ҳадис ичидан узига кераклигини танлаб олган"⁸⁷.

"Муъжам ал-мусаннифин" китобининг муаллифи айтади: "Тақволи муҳаддислар тоифасидан булган кўпгина уламолар Имом Абу Ҳанифадан ҳадис ривоят қилганлар. Жумладан, Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Исфаҳоний (381 ҳижрий санада вафот этган), Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад ад-Даврий ал-Бағдодий (331 ҳижрий санада вафот этган), Имом Садриддин Мусо ал-Мисрий (618. вафот этган) ва бошқалар"⁸⁸.

Шунингдек, Абу Ҳанифа раҳимахуллохнинг шогирдлари ҳам у кишидан кўплаб ҳадислар муснадлар ривоят қилгани маълум. Жумладан, Ал-Хасан ибн Зиёд ал-Луълулий (204 х-с. вафот этган) уз устозидан кўпгина ҳадислар ривоят қилган. Имом Абу Юсуф (182 х-с. вафот этган) ва яна бир шогирдлари Имом Муҳаммад (187 х-с. вафот этган) ва

⁸⁷ Имом Абу Ҳанифа муснади 42-б

⁸⁸ Шайх Муҳаммад Абду ар-Рашид ан-Нўъмоний "Китабут таълим" 316-б.

фарзандлари Хаммод ибн Нуъмон ибн Собитлар ҳам Абу Ханифанинг муснадларини ривоят қилишган. Ва тўплашган ҳамда уни тартибга келтиришган.

Шунингдек, асрининг етук алломаси ва ҳадис илмининг устози деб ном олган Абул Аббос Ахмад ибн Муҳаммад ибн Саъд ал-Куфий (машхур номи "ибн Ухда" булиб, 332 х.с. вафот этган) ҳам Абу Ханифанинг ҳадисларини ривоят қилган. Бадриддин Махмуд ал-Айний узининг "Тарих ал-Кабир" (Катта тарих) китобида айтади: "Ибн Укда келтирган Абу Ханифанинг муснади мингдан зиёд ҳадисни уз ичига олган". Валийуллох Дехлавий ҳам китобида муҳаддис Исо ал-Жаъфарий ал-Мағрибий (1080 х.с. вафот этган) Абу Ханифанинг муснадларини, санадини Абу Ханифага етган холида, ривоят қилганини қайд этган.

Баъзилар Абу Ханифа раҳимахуллохни кам ҳадис ривоят қилган деб айтишади. Ваҳоланки, биз юхорида Абу Ханифа раҳимахуллохдан купгина Ҳадислар ва муснадлар ривоят қилинганини қайд этдик. Бу қарама-қаршиликка қандай жавоб бериш мумкин?

Доктор Абдул Ваххоб Зоҳид китобида ушбу масалага жавоб бериб, айтадики: "Абу Ханифа раҳимахуллохнинг ҳадисни кам ривоят қилишлари, у киши кам ҳадисни ёд билган экан-да, деган хулосани келтириб чиқармайди. Чунки Абу Ханифа раҳимахуллох куп ҳадисларни ёдлаган ва бунга буюк имомлар, етук алломалар шохидлик беришган. Кам ҳадис ривоят қилишларининг сабаби шундаки, у киши ҳадисни одамларга гапириб бериш учун эмас, балки унга амал қилиш ва ундан фикҳий ҳукмлар олиш учун ёдлаганлар, зеро, у киши мужтаҳидлар ва фақиҳларнинг пешвоси булиб, одамлар фикҳ илмида у кишига шогирд эдилар. Шунингдек, у киши ишончли муҳаддис ҳамдирлар. Аллох у кишига ноёб қобилият ва ҳадис борасида ўткир фаҳм ва заковат ато этган эди, ҳатто ҳадисдан устозлари ва шайхлари ҳам чуқур тушуниб етмаган

теран маъноларни англаб етиб, ундан керакли фикхий далиллар, турли масалаларга жавоблар олар эдилар.

Хатиб Бағдодий Исроил ибн Юнусдан ривоят қилади, у айтадики: "Нўъмон қандай ҳам олийжаноб инсон эди, фикрга оид бўлган ҳар бир ҳадисни ёддан билар, бундай ҳадисларни излаб топиб, ундаги фикрий масалаларни ниҳоятда яхши тушунтирар эди".

Ибн Қайюм айтади: "Нўъмон ўзи яшаб турган шаҳардаги барча ҳадисларни тўплаб, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётларининг сўнгги давридаги суннатларини танлаб олган эди".

Яҳё ибн Муин айтади: "Вакиъ Абу Ҳанифанинг фикрига таяниб фатво берар эди. У Абу Ҳанифа ривоят қилган барча ҳадисларни ёддан билар эди, чунки Абу Ҳанифадан кўпгина ҳадислар эшитган эди".

2.2. Моликий мазҳаби.

Имом Молик усули.

Барчамизга маълумки, имом Молик ўз ҳаётини Маккаи Мукаррама ва мадинаи мунавварада ўтказди, асосан эса Мадинада бўлди. У ўз асрининг биринчиларидан эди.

Қуръони карим

Биз биламизки, муваттонинг усули имом Моликнинг усуллариандир. Унинг биринчи усули ҳукмлардан ва фақиҳлар фикрларидан чиқариб олинган. Қози Иёзнинг ёзишича, Қуръони карим Имом Моликнинг биринчи усулидир⁸⁹.

Суннати мутоҳҳара

Имом Молик дорул ҳижра фикҳ ва ҳадис имоми эди. Унинг Муватто китобида ҳадиси шарифларга ва фикҳий далилларнинг далилларига таянарди. Унда уммат учун ишончли, саҳиҳ ривоятлар йиғилганди. Хатто Бухорий ва бошқаларнинг иснодлари саҳиҳ яъни Моликдан Ибн Шихоб, Нофеъ, Ибн Умар (р.а)лардан ривояти эди. Бу эса у ҳукмларни чиқариб олишда иккинчи усули суннат эканлигига далолат беради.

Саҳобалар сўзлари

Сўнгра унинг Муватто китобида у саҳобалар сўзларидан фойдаланганлигини кўрамиз. Фикҳий масалалардаги ҳукмларнинг далилини ва аслини олган саҳобаларнинг сўзларига амал қилади ва уларнинг фикҳий усулларида аслини яъни асосини оларди ҳамда Мадина аҳли саҳобаларининг ижмоларига эътибор қаратган.

⁸⁹ Ал-Қози Иёз “Имом Молик ҳаёти” 76-б.

Ижмо

Имом Молик фақиҳлар, имомларнинг изидан борарди. Имом Молик Мадина аҳли фақиҳлари, имомлари сўзларини ижмолари билан уларнинг изидан борарди. Бу уммат ижмоси бўлиб, уникадан бошқасиникини қабул қилинмас эди. Имом Молик мадинаи мунавварада эди. У Мадина аҳлининг сўзларини бошқаларга хилоф қилмаган ҳолда ҳужжат қилиб олди, бу уларнинг ижмолари эди. Уммат ижмоси, мадина аҳлининг ижмосидан мақбулини кўрмадим.

Қиёс

Сўнгра кўпгина масалаларда у қиёс ва ижтиҳоддан фойдаланган. У ҳақида дейиладики “У аҳли раъйдан эди.”

Маслаҳати мурсала

Имом Моликнинг кейинги усули маслаҳати мурсала бўлиб, ундан Абу Ҳанифа ҳам фойдаланганлар. У мурсал ҳадислардан фойдаланганлагини муватто китобида кўришимиз мумкин. Асосан Ибн Мусайяб мурсалла рининг саҳиҳ ва мақбулини қўллаган.

Муватто

Илми маърифат аҳли имом Моликни ҳадис ва фикҳда Мадина шаҳрининг шони деб ҳисоблайдилар. Бу соҳада унинг муҳим ўрни бор. У билимини юқорида биз келтириб ўтган ўз замонасининг улуғ имомлари ва муҳаддисларидан олди. У ўзининг Муватто китобини ёзди ва унда турли иллатлардан холи бўлишлигини шарт қилди. Унда Расулulloҳ (с.а.в)нинг сўзлари ва хусусиятлари ва саҳобалар (р.а)ларнинг фатволарини жамлади. Бунда у мадиналикларнинг ривоятига таянди. Улардан бошқаларнинг ҳужжатларига ҳам эътиборга олди. Шу сабаб Ибн Ҳажар «фатҳул борий»нинг муқаддимасида шундай дейди: “Имом Молик Муватто асарини ёзди. У асарида Ҳижоз муҳаддисларининг кучли ҳадисларини

олиб уларни саҳобаларнинг сўзлари, тобеинларнинг ва улардан кейинги олимларнинг фатволари билан аралаштирди⁹⁰.

Бошқа бир имом Имом Моликдан илгари саҳобаларнинг сўзларини китоб ҳолига келтириб ёзган эди. Бу ҳақида Имом Муҳаммад Ибн Ҳасан Шайбойнинг бўлиб, Имом Молик ўз Муваддосида айтади: Бизга Яҳё ибн Саид хабар берадики, Умар ибн Абдул Азиз, Абу Бакр ибн Муҳаммад, Амр ибн Ҳазмга шундай деб ёзади: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг барча ҳадисларини ва шу жумлага кирадиган маълумотларни, кўриб чиқ ва ёз ! Мен илм-маърифатни йўқолиб кетиши ва уларни халок бўлишидан кўркаман⁹¹.

Имом уни кўриб айтдики: Бу қандай ҳам яхши асар. Агар мен буни ёзган бўлганимда ҳадислар билан бошлаб сўнг бу сўзларни келтирардим”

Имом Молик ибн ал-Мажушуннинг асарини маъқул кўради ва агар шундай асар ёзса уни саҳобалар ва тобеинларнинг сўзлари билан бошлашни кўнглига тугди. Аллоҳ унга ўз муваддосини яратишини муваффақ қилганда ҳадис ва саҳобаларнинг ривоятлари билан бошлади ва уни хоҳиши амалга ошди. У энг яхши ривоятларни танлаб олди. У китобида ўз ижтиҳодлари ва фикрларини келтирди сўнг уни ўз асридаги бошқа уламоларга кўрсатди. Улар бу ижтиҳод ва фикрларини мақуллашди. Хатто баъзи бир амирлар бу ижтиҳод ва фикрларни ўзларига татбиқ қиладиган йўл қилиб олмоқчи бўлдилар. Бу ҳақида аллома Муҳаммад Абу Захра шундай ёзади: Абу Жаъфар ал-Жафар (Аббосий ҳалифа) Имом Моликдан муваддонли олиб унга амал қилишни халққа буюришини халққа буюрди.

Муваддодоги барча маълумотлар ажойиб. Муҳаммад ибн Ҳасан бу китобни Моликнинг Муваддоси дея номлаган. Муваддодо Абдуллоҳ ибн Маслама ал-Қаънобий, Абу Мусъаб Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Қудсий аз-

⁹⁰ Ибн Хажар “Фатҳул борий”

⁹¹ Аз-Зарқоний “Шарҳи Муваддо” 10-б.

Захрий (у Мадинани қозиси бўлган) ривоятлари бор ва ҳоказо. Аллоҳ имом Моликни раҳматига олсин ва ўз жаннатидан насиб этсин.

2.3. Шофеъий мазҳаби

Имом Шофеъийнинг усули

Имом Шофеъий ҳижратнинг иккинчи асрининг ўрталарида туғулиб иккинчи аср уламолари билан бирга яшади. У Мадина шаҳрининг имоми Имоми Молик ибн Анас (р.а)дан таълим олди. Ундан Муватто китобини ёд олди. Имом Моликдан ҳадис ва фикҳ илмида ҳам таълим олди. Сўнгра ўзининг устози Имом Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасандан таълим олди. Абу Ҳанифанинг илми ва усулини ёд олди. Имом Шофеъий ҳижоз ва ироқликларининг орасини бирлаштирди ва уларнинг мазҳаби бўйича фақиҳ бўлди. У ўзининг бошқаларадан ажратиб турадиган кучли зеҳни ва фикрлаши билан илм ва фикҳда улуғ мартабага эришди. Унинг даврида илм жам бўлаётган ва тартиб бўлаётган эди. Имом Шофеъий фикҳ ва ҳадисни жамлаш йўлидан юрди ва ўзидан олдин ўтган уламоларнинг йўлини тутди. Уларни тартиблаб асос солди. У усул учун қоидаларни ишлаб чиқди. Шу сабаб у усул илмига асос солган шахс ҳисобланади. У усулни мустақил баҳс сифатида яратиб уни усул илмида рисолат дея номлади ва “Умм” китобини ҳам қўшиб киргизиб қўйди. Устоз Аҳмад Шокир (р.а)ҳам бу рисолатни ўрганиб, Мисрда нашрдан чиқарди. Қуйида унинг усулини алоҳида тарзда келтирамиз:

Қуръони карим

У улуғ Аллоҳ таолонинг китоби. Имом Шофеъий уни агар бошқа далил топилмаса ҳуқумларни исбот қилиш, шубҳа ва ўхшаш масалаларда биринчи асл манбадир.

Суннати мутоҳҳара

Имом Шофеъий (р.а) суннат Расулуллоҳнинг қавлий, феълий ва васфий суннатларини ўз ичига олади⁹².

Саҳобаларнинг сўзлари

Имом Шофеъий (р.а) айтади: Агар сўзига муҳолиф топилмаган салаф оммасининг сўзи бўлмаса (Имом Шофеъий салафдан мурод-саҳоба ва тобеъинларни назарда тутди). Ҳужжати билан сўзини.

У “Умм” китобида шундай дейди: Қавл (сўз) деганда Имом Шофеъий Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бир нечта саҳобалари айтган сўзни назарда тутди. Бу сўзга саҳобалардан бир нечтаси муҳолиф бўлганлиги маълум эмас⁹³.

Имом Сарахсий айтади: Имом Шафеъий саҳобийни феълига эмас ҳужжатларига эргашади. Яна айтади: Шофеъий айтади: суннат тушунчаси фақатгина Расулуллоҳнинг суннатинигина ўз ичига олади. Бунинг сабаби шуки у саҳобийнинг тақлидини эътиборга олмай айтади: Қиёс саҳобийнинг сўзидан муқаддам туради. У саҳобийни феълига фақатгина ҳужжатига эргашади⁹⁴. Шунга кўра Имом Шофеъий саҳобаларнинг феълини олиш борасида Имом Абу Ҳанифа билан қарама-қарши фикрда бўлган, зеро Имом Абу Ҳанифа (р.а.) саҳобаларнинг сўзини эътиборга олади. Ҳудди шунингдек феълларга ҳам эътибор беради. Ижмога ҳам худди шундай фикр билдириб айтадики умматнинг муҳолифи бўлмаган ижмоси жоиз. Имом Аҳмад ҳам шунга ўхшаш фикр билдирганлар.

Қиёс

Имом Шофеъий (р.х.) айтади: Агар бирор ҳукм бўлмаса Аллоҳ азза вал жалланинг китобига қиёс қилинади. Агар ундан топилмаса Расулуллоҳнинг суннатига қиёс қилинади. Агар унда бўлмаса салаф оммасининг зидди бўлмаган сўзига қиёс қилинади. Шу сабаб қиёс фикҳий

⁹² Ас-Сарахсий “Усулул фикҳ” 114-1-б

⁹³ Муҳаммад аби Заҳро “Шофеъий фикҳи ва уламолар фикрлари” 385-б.

⁹⁴ Ас-Сарахсий “Усулул фикҳ” 114-1-б.

ҳукмлар истинбот қилинадиган шариат асосларидан (манбаларидан) бири ҳисобланади.

Ижтиҳод

Имом Шофеъий (р.х.) айтади: Агар қиёси бор олим қиёс қилиб ихтилоф қилсалар уларнинг ҳар бири ўз ижтиҳоди даражсида қиёс қилиб оладилар. Ўз ижтиҳоди етадиган бошқа олимга эргашмайди. Агар мавжуд ҳодиса (масала)га Қуръон, суннатда муҳолифи бўлмаган ижмо, аҳли қиёснинг қиёсидан бирор далил бўлмаса ўша масала бўйича Аллоҳ берган илҳомига кўра ўз фикри билан ижтиҳод қилади. Бошқанинг ижтиҳодига эргашмайди.

Имом Шофеъий муснади

Издаги маълумотларга қараганда Имом Молик Муваддонинг муаллифидан таълим олган ва Муваддонни ёдлаган. Имкони қадар ҳадисларни ёдлаб Бағдодда “Носир ас-Сунна” дея номлаган. У китобларнинг энг қимматларини ва энг қиммати саналган “Умм” китобини ёзди. У ёдлаган ҳадисларини ва илм дунёсидаги обрў эътиборини ҳисобга олганга қаранганда кам ҳадис ривоят қилган ва ҳадисга оид бирор китоб ёзмаган.

Унинг “Муснади” ҳақида гапирадиган бўлсак, ундаги ҳадислар Имом Шофеъий (р.а.) жамланмаси ва ривоятларидир. Имом Шофеъий уни “Умм” китобини ичида ёзган. Сўнгра унинг шогирди ар-Робиъ ибн Сулаймон ал-Мародий муснадни “Умм” китобини ичидан ажратиб алоҳида китоб қилиб ёзган ва ундаги барча ривоятларни шайҳи Имом Шофеъий (р.а.)дан ривоят қилган. Аллома Муҳаммад Жаъфар ал-Қаттоний айтади: Имом Шофеъийнинг муснади унинг таснифоти эмас. У фақат марфуъ ва мавқуфгача етказиб олиб борган ҳадислар тўрламидан иборат. Бу ҳадислар Абул Аббос Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Юсуф ибн Маъқал ибн Синон ал-Асом ал-Умавий, уларнинг мавлоси ал-Мақалий ан-Найсабурий Робиъ ибн Сулаймон ибн Абдул Жаббор ибн Комил ал-

Мародий уларнинг мавлоси ал-Муаззин ал-Мисрий Шофеъий бўлиб у Шофеъийнинг “Умм” ва “Мабсут” китобларидан ривоят қилган. Фақат ар-Робиъ Бувайтийдан, у Шофеъийдан ривоят қилган тўртта ҳадиси Нисобурликлар ўзлари тўплаган. У Абу Амр ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Матор ибн ал-Мажорий ал-Адл Найсобурий хофиздир. У Аббос ал-Асомга тегишли боблардаги Ҳокимнинг шайхларидан саланиб, Робиъдан ривоят қилганлиги учун зикр қилинди ва яна бир ўринда айтиладики, ал-Асам уни (ривоятларни) ўзи учун жамлаган эди. Сўнгра у Шофеъийнинг муснади дея номланди. У китобдаги ривоятларни тартибга келтирмаган шу сабаб китобдаги ривоятлар бошқа ўринларда ҳам такрор келган.

“Тавзих ал-Афкор” китобида айтилишича Шофеъийнинг Муснади унинг таснифотларидан эмас. Ундаги ривоятларни бир неча Нишопурлик ҳуффошлар Асомнинг “Умм” китобида қўйган ривоятларидан эшитганларини йиғиб жамлашган. Китоб эса Шофеъийники деб гап тарқалган⁹⁵.

“Муснад”дан маълум бўладики Имом Шофеъий ўзининг ҳадис ёдлашида фақиҳ ва мужтахид имомлар йўлидан борди. Шаръий ҳукм оладиган ҳукм ҳадисларини саралади. Ҳудди шунингдек Абу Ҳанифа ва Молик раҳимаҳуллоҳдек икки улуғ имомлар ҳам шу йўлни танлашган. Ҳадисга доир ривоятлари оз. У фақат далил сўралгандагина ҳадис ривоят қилиб жавоб берган. У ҳадисни фикҳий ҳукмларга далил келтириш учунгина ҳадис ривоят қилган. Абу Заҳро айтади: “Шофеъий ижтиҳод, баҳс ва фатволардан биров бўшагач китоб ёза бошлади. Ҳукмлар чиқариб олиши учун қоида ва ихтилофли масалаларда ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзган. Сўнгра суннатлар ва саҳобалар ўртасидаги хилофликни ёзиб турли фикрлар орасидан ўзи тўғри деб билган ва қабул қилган бир фикрни танлаган”⁹⁶.

⁹⁵ Ас-Суютий “Тавзих ал-Афкор” 229-б.

⁹⁶ Муҳаммад абу Заҳро “Шофеъий фикҳи ва фикрлари” 103-104-б.

Имом Шофеъий фикҳ ва ижтиҳодда алоҳида ўзининг йўлини тутишидан олдин ўз шайхи бўлган Абу Ҳанифанинг шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасан орқали олган Абу Ҳанифанинг ўзларини тутар эди. Яна Имом Моликнинг сўзлари ва фикҳларига амал қилар эди. Мадина аҳлидан бу йўлини қилар эди. Фикҳ ва ижтиҳод соҳасида юқори даражага етишган ўз ижтиҳод ва фикр мулоҳазаларини билдира бошлади. Унинг илгариги сўзлари тамоман акси бўлиб қолди ва ўз талабаларига ўргатишда таянадиган янги мазҳаби шаклланди.

Бу ижтиҳодларнинг кўпи ва батафсили “Умм” китобида келтирилган биз уларни Шофеъий таълиқотлари ва китоблари баҳсида батафсил келтириб ўтганмиз Имом Шофеъий (р.а.) суннатдан фикҳий ҳукм чиқарар ва тўғри саҳиҳ фикр билан бошлайди. Унинг шогирди ар-Робиъ ибн Сулаймон ал-Мородий (Муснад)ни жамлашида шайх Шофеъий ҳукмий ҳадисларни чиқариб олиши йўлидан борди ва “Муснад”ни фикҳий бобларга биноан тартиблади. “Муснади Шофеъий” Мисрда нашр қилинди. Аллоҳ Имомни кенг раҳмати билан ўрасин.

2.4. Ҳанбалий мазҳаби

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг усули

Имом Аҳмад (р.х.)нинг ҳаёти борасида олиб борилган изланишлардан шу маълум бўладики, у хижрий иккинчи асрнинг охири учинчи асрнинг ўрталаригача ҳаёт кечирган. Унинг даврида улуғ имомлар бўлиб уларни ислом фикҳи ва у ҳақида асар битиш ҳадис ва уларни тартиблаш саҳиҳ ҳадисларни иллатлисидан ажратишда улуғ мақоми бўлган саҳобаларнинг ижтиҳодлари ва ҳуқумлари жамланган ва ҳадиси шарифлар китоб қилиб ёзиб бўлинган. Имом Аҳмаддан олдин яшаб ўтган фикҳ ва имомлар шарий усулдан фикҳий ҳужжатларни истинбод қилиб бўлишаган эди.

Абу Осим Имом Аҳмадни фикҳ билан сифатлаб шундай дейди: Бу ўринда шу киши бор. У бу сўзи билан Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.)дан кўра

фақихроқ олим йўқ демоқчи эди⁹⁷. Имом Аҳмад ҳадисдан бошқисини ёзмас эди. Унинг райлари ва ижтиҳодларини талабалари ривоят қилган. Уларда баъзилари Муснадда мавжуд. Муснаддаги ривоятлар шаръий ҳукмларга далолат қилган ҳадислардан иборат бўлиб улар ҳукм олинадиган ҳадислардир. Имом Молик (р.х.) ҳукумларни истинбот қилишда қуйидаги асосий усулга таянган:

1. Улуғ китоб. У Қуръони мажид, суннати мутоҳара бу иккиси насс деб юритилади.

2. Саҳобаларнинг сўлари. Булар саҳаба (р.х.)лардан келтирилган сўз ва фатволардандир.

3. Масалаларни саҳобаларни сўзларига қиёс қилишини, Қуръон ва суннатга мувофиқини танлаш.

4. Мурсал ва заиф ҳадисни олиш.

5. Заиф ҳадисни қиёсдан устун қўйиш. Имом Аҳмад қиёсни заиф санайди ва ўз усулини охири деб ҳисоблайди.

6. Истиҳобни олиш. Бу бирон далил воҳид бўлмаган ва шарият рад етмаган масала бўлиб, Имом Аҳмад уни мубоҳ ҳисоблайди.

Шу сабаб Ҳофиз ибн ал-Қайюм (р.х.) айтади: Имом Аҳмад ўз усулини бешта усулга қоим қилган улар қўйидагилар.

1. Матнлар.

Агар бирон насс топилса, вожибли фатво беради. Унга зид бўлишига қарамайди. Шу сабаб насс саҳоба (р.а.)ларнинг фатволаридан муқаддам қўйилади.

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Хони шу масалада бундай дейди. “Абу Абдуллоҳга айтилди: Қавми ичида бир кишидан ихтилофли масала сўралса нима қилади? У Қуръон ва суннатга мувофиқини фатво беради. Қуръон ва суннатга мувофиқ бўлмаган масалада тийилади”⁹⁸.

⁹⁷ Ўша манба. Б.107

⁹⁸ Иълам ал-Мувақибийн 22-26-1-б.

Имом Аҳмад наздида далил Қуръон ва суннатдир. У бу иккисини зохирдан четга чиқмайди. Имом Ҳанбал ҳукмларни истинбот қилишда муҳаддисларни йўлини тутди. Улар Қуръон ва суннатни зоҳирини олишган. Ижтиҳодга мурожаат қилишмаган. Шунингдек ундан олдин ўтган имомларнинг ҳам йўли ҳам шундай бўлган.

2. Саҳобаларнинг йўли

Бу саҳобаларнинг берган фатволари бўлиб, бу фатволарига қарши бўлган биронтаси маълум бўлмаган. Имом Ҳанбалнинг наздида саҳобаларнинг фатволари мақбул бўлиб, далил сифатида таяниладиган асл манбалардан бири ҳисоблайди⁹⁹. Унинг наздида ижмоъ Имом Шофеъий (р.х.) наздидаги ижмоъга ўхшашидан яқинроқдир. Саҳобаларнинг ихтилофидаги Имом Ҳанбалнинг ижтиҳодлари.

Агар саҳобалар бир бир ҳабар борасида ихтилоф қилишса Қуръон ва суннатга яқинини олганлар. Агар Имом Аҳмадга сўзлардан бирини мувофиқлигини маълум бўлмаса хилофни келтиради.

Агар саҳобалар ихтилоф қилсалар Имом Аҳмад ижтиҳод қиларди ва эътиборини Китоб ва суннатга қаратарди. Агар яқинини топмаса, қалби тўғри деб топган сўзга суянади. Ўз фикрини айтмайди.

3. Мурсал ва заиф ҳадис

Агар бобда бирор сўз бўлмаса, мурсал ва заиф ҳадисни олади. Бу ҳадис қиёсга қараганда афзал, заиф ҳадисдан мурод мункар ёки мавзуъ ҳадис эмас. Мункар ва ботил ҳадисга умуман амал қилинмайди.

Бу борада имомлар Имом Аҳмад қўшилган. Сизга маълумки Абу Ҳанифа ҳам бу ҳадисларни олган ва уни рай қиёсдан муқаддам қўйган.

Ибн Қайюм (р.х) айтади: Имом Аҳмад қиёсни фақатгина зарурият туғилгандагина олган. Унинг наздида рай оз учраб қиёс заиф саналган. Хатто у қиёсни ўз усулини охирги даражасига қўйган¹⁰⁰.

⁹⁹ Ал-Муржиъ ас-Собик

¹⁰⁰ Иълам ал-Мувақъийн 22-26-1-б.

Биз бир масала бўйича бўйича Имом Аҳмаднинг сўзларини учратамиз бунинг сабаби унга савол берилганида қайта кўриб чиқилганида жавоблар турли бўлиб қолиш эҳтимоли бўлганлиги учун ёзмаган.

Бу фикҳий ҳукмлар истинбот усулида. Имом Аҳмаднинг таянган асосий усулдир у истисҳобни олганлиги зикр қилинмаган. Бу бирор далил бўлмаган иш бўлиб саҳобаларнинг сўзларида бирор сўз топилмаган бўлади. Шунда Имом Аҳмад ижтиҳод қилиб шу масалада ўз ижтиҳодини билдиради. Аллоҳ уни ўз раҳмати билан сийласин.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал муснади

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳадис илмига қизиқиши баланд бўлган ундан кўп ривоят қилиш, ёдлаш ва кўр асар яратганлиги ҳатто у муҳаддислар Имоми деб ҳисобланган. Аллоҳ унга Расулуллоҳ ҳадисларини Бакротида йиғишни насиб қилди ва у китобларнинг энг буюгини жамлади.

“Тавзиҳу ал-Афкор” саҳиби Имом Аҳмад Муснади ҳақида шундай деди: “У Муснадларнинг энг бутунидир”¹⁰¹.

Имом Аҳмад (р.х) ўз муснади ҳақида айтади: “Мен уни етти юз минг ва эллик минг ҳадис орасидан саралаб олдим мусулмонлар Расулуллоҳнинг бир ҳадиси борасида ихтилоф қилсалар бу китобга мурожаат қилинлар. Агар ундан топмасангиз унда у ҳужжат эмас”. Сўнг ўғли Абдуллоҳга айтди: “ Бу муснадни ўзингда сақла у инсонларга имом бўлади”¹⁰².

Агар тадқиқотчи олим Имом (р.х.)нинг муснадига назар ташласа унда бир неча заиф ва ҳасан ривоятлар билан бирга ажойиб бир мажмуани кўради. Баъзи олимлар унинг барча ҳадисларини саҳиҳ деб ортириб сифатлашган. Мен айтдим: Бу ортиқча муболаға биз унинг ўғли

¹⁰¹ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Амир ал-Ҳасаний ас-Санъоний.Тавзиҳул Афкор. -Б.228

¹⁰² Доктор Субҳи Солиҳ. Улумул ҳадис. Б. 3-6

Абдуллохни муснаднинг баъзи иснодларини отаси билан қидирганини биламиз.

Муснаднинг моҳияти шуки, унинг кўпроғи саҳиҳ, муснадда ҳасан ва заифлари умумий шакл ва ижмой кўринишидаги ҳадислар бор. У мақбулдир. Чунки Имом Аҳмаднинг ўзи муснадида саҳиҳ ривоятни шарт қилмаган буни ўғли Абдуллох билан бўлиб ўтган суҳбат ҳам тасдиқлайди. Абдуллох бу муснадда отасидан ривоят қилган ровийдир. Унинг кўр ривоятлари келтирилган.

Аллома Муҳаммад Жаъфар ал-Қаттоний: Аҳмад ибн Ханбалнинг ўғли Абу Абдурраҳмон Абдуллохни (ваф 290 х.ж.) шу муснадга кўшимча тарзда ёзган китоби бор. Китобнинг ҳажми муснаднинг тўртдан бирига тўғри келади¹⁰³. Унинг ўғли Абдуллох отасининг вафотидан сўнг муснадни жорий бўлган тартиб бўйича тартиблашни давом эттирди. Ундан бошқа бир неча исфаҳоний ҳофизлар бобларга бўлиб тартибга солди. Муснадни ҳофиз Носируддин Розик ва бошқа кейинги ҳофизлар тартибга солишди¹⁰⁴.

Муснаддаги мавзу ҳадислар сони қирқ мингга етади. Ундан шогирдлари ҳам ривоят қилган. У 28 муснадни ўзига олади. Аллома Қаттоний айтади: Имом Аҳмаднинг муснади 28 та муснадни ўз ичига олади. Уларнинг аввали 10 та муснад кўрчилик инсонлардан у 40 минг ҳадисдан иборатлиги маълум бўлади. Абу Мусо ал-Мадиний: “Мен буни то Абу Мансур ибн Розикдан таълим олиб ўргангунимча одамлардан эшитар эдим”¹⁰⁵. Имом Аҳмад (р.х) ўз муснадида фуқаҳоларнинг усулуни қўллади. Аммо у имомлардан бироз бошқа усул билан фарқланди. Имомлар китобларида ўзларининг фикрларини кўп келтирадилар. Аммо Имом Аҳмад бирор бир кишига уни фикрини ёзишга руҳсат бермаган. У ўз ижтиҳодларини муснаддан узоқ тутган. Унинг ижтиҳод ва фикр

¹⁰³ Муҳаммад Жаъфар ал-Қаттоний “ар-Рисалат ал-мустатирфаху” Б.164

¹⁰⁴ Ўша манба. Б.175.

¹⁰⁵ Ўша манба. Б. 180

мулоҳазалари унинг атрофида бўлган шогирдлари орқали ривоят қилинган. Унинг вафотидан кейин улар бу ижтиҳод ва фикр мулоҳазаларини жамладилар ва муснаднинг ёнига сиз кўрган ижтиҳод ва фикр мулоҳазалари шарҳ сифатида ёзилди.

ХУЛОСА

Мовароуннахр диёрида яшаб ўтган буюк олимларимиз ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиб, уларни бугунги кунга қиёсий таҳлил қилишимиз биз ёшларни олидида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Чунки, бизга қолдирилган маънавий меросни қанчалик ўрганар эканмиз, илмни нозик ва очилмаган қирраларини кашф этишимизга замин яратади. Ислонинг илк даврида ижтиҳод мавжуд бўлган, яъни фақиҳлар ҳуқуқ асосларини талқин қилиш ва улардан туғилган муаммоларга ечимлар топиш имкониятига эга бўлганлар. Тўрт мазҳаб таълимоти яратилганидан сўнг ижтиҳод эшиклари деярли ёпилди. Ҳанбалийлик уламолари ижтиҳодни қатъиян рад этганлар. Шу сабабли Саудия Арабистони фақиҳлари ХХI аср муаммоларига ечимларни ўрта аср анъаналаридан излашга ҳаракат қиладилар.¹⁰⁶

1869-1877 йилларда Усмонли турклар салтанатининг ўзига хос фуқаролик ва процессуал кодекси - Мажаллани қабул қилиш йўли билан ислом ҳуқуқи айрим тармоқлари ва институтларини кодификациялаш ислом ҳуқуқи манбаларининг ўзаро нисбатига катта таъсир кўрсатди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Мажалла Туркияда 1926 йилгача, Ливанда - 1981, Сурияда - 1949, Эронда - 1953, Иорданияда - 1976 йилгача амалда бўлди. Ҳозирги вақтда у Исроил, Қувайт ва Кипрда қисман амал қилади.

1875 йил кодекснинг таълимот (доктрина) хусусиятига эга бўлган варианты тайёрланди. Унда ислом ҳуқуқининг ҳанафийлик мазҳаби намояндалари томонидан ишлаб чиқилган «шахсий мақом» ҳуқуқини тартибга солувчи қоидалар жамланган эди. У норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида мазкур тармоқнинг барча асосий институтларини тартибга солишни назарда тутарди.

¹⁰⁶ Раҳманов А. Ислам ҳуқуқи. Тошкент: ТДЮИ. 2007. Б.190

Истиқлол йилларида мазҳабимизни ва бошқа мазҳабларни, фикҳ, истинбот қоидаларини ўрганиш буйича бир мунча ишлар амалга оширилди. Усул фикҳ буйича бир нечата асарлар таржима қилинди. Усул қоидалари буйича, қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида мазҳаблар жоҳилона фикрлар пайдо бўлди. Буюк мужтаҳид олимлар ҳақида не – не беадабона сўзлар айтилди. Бугунги кунда мазҳаб нима, мазҳаббошилар ким, мазҳабларсиз ояту – ҳадисдан ҳукм чиқариш, йул топиб мушкул эканлигини кўпчилик тушуниб етди. Ривожланиш ва тараққиёт йулида пайдо булаётган янги масалаларни ечимини топишда фикҳий мазҳабларнинг ўрни беқиёс бўлиб замонамиздаги забардаст олимлари хизмат қилишмоқда. Бу олимларни келтириб ўтадиган бўлсак А. Ҳасанов, Н.Комилов, У.Уватов, З. Ҳусниддинов, З.Қодиров, А.Ш. Жўзжоний ва бошқалардир. Булар олимнинг ўз илмий изланишлари натижасида мавзуга оид кўпгина адабиётлар, ўқув қўлланмалар яратилди. Абдулваҳҳоб Зоҳиднинг “тўрт имом ҳаёти” асарини ўрганиш жараёнида бу мавзунинг ёритиладиган жиҳатлари кўплигига, бошқа фикҳий асарлардан фарқли томонларини кўрсатиб бериш зарурлигига эътибор берилди.

Битирув малакавий иши натижаларидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин:

Абдулваҳҳоб Зоҳиднинг “Тўрт имом ҳаёти” асари мазҳаблар тарихи, тўрт мазҳаб соҳиблари ҳаёт-фаолияти, насаблари, хулқи, илм олишлари, устоз ва шогирдлари, уламолар орасидаги мартабалари ва вафотлари, кейинги бобда эса улар фойдаланган усуллар ва муснадлари ҳақида батафсил маълумотлар беради.

Асар тўртта бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобидаги мавзулар тўлиқ, батафсил ёритилган.

Дастлабки бобларида ҳадис, фикҳ ва уларнинг таърифларига тўхталиб ўтилган.

Бу асар бошқа фикҳий асарлар сингари ўзининг мавзуларининг долзарблиги, аҳамияти катталиги ва маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Асарда берилган маълумотлар кенглиги ва мазҳаблар тарихи, асосчилари ҳақида батафсил ёритиб берилганлиги ўзбек тилидаги шу мавзудаги асарларнинг янада кўпайишига, яратилишига асос бўлади.

Ушбу битирув малакавий ишини ёзишда турли манбалардан фойдаланилиб, соҳага тааллуқли бўлган маълумотларни олишга эришилди.

Битирув малакавий ишини амалга ошириш давомида ислом ҳуқуқшунослиги, мазҳаблар ва шу каби соҳалардаги маълумотларни бойитиш, мустаҳкамлаш мақсадида келгусида ушбу йўналишда қуйидаги вазифаларни бажариш кераклиги билан боғлиқ, таклиф ва тавсияларга келинди.

❖ Бу соҳа вакилларининг асосий намоёндалари уламолар, фақиҳлар бўлган. Уларнинг муборак номларини тиклаш, шахсини аниқлаш, улар ҳақида тегишли маълумотлар тўплаш ҳам вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак.

❖ Ўша давр, яъни мазҳаблар пайдо бўлиб, шаклланиши вақтидаги илғор фикрларини, айниқса, муқаддас динимизнинг пок шаънига оид илғор фикрлари бугунги кун учун муҳим аҳамият касб этганлиги учун ҳозирги кунда турли даъволарни қилаётган турли оқимларга қарши далил, ҳужжат бўлишини ҳисобга олиб, уларни фикр ва қарашлари асосида турли монографиялар ёзиш, тадқиқотларни амалга ошириш мумкин.

❖ Бу мавзу доирасидаги рус, араб, инглиз ва ўзбек тилидаги асарларни ўзаро қиёсий ўрганиб, талил қилиб ҳар бир тилдаги таржималарини ўзаро уйғун ҳолда чиқариш керак. Шундагина ҳар бир миллат ва элат кераклича маълумотларга эга бўлади.

Бу мавзуни битирув малакавий иши мавзуси доирасида қамраб олишнинг имкони йўқ. Шу сабабли бу мавзуни кейинчалик магистрлик, фан номзоди каби илмий даражалар олиш учун қилинган тадқиқотлар давомида ёритишга ҳаракат қиламиз. Бу ишимиз эса келгусида қиладиган илмий тадқиқотларимиз учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Ўйлаймизки, ватанимиз равнақи ва юртимиз истиқболи учун кичкина бўлса ҳам ўз ҳиссамиз қўшилаётганидан бағоятда мамнунмиз.

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т. : Ўзбекистон, 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
5. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” Ўқув қўл./Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
6. А.Жўзжоний. “Ислом ҳуқуқшунослиги” Ўқув қўл. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон. 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. Т.: Академия, 2000.
2. Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул-фикҳ. Т.: “Адолат” – 1997.
3. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н. Дунё динлари тарихи. Ўқув қўлланма. -Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012.
4. Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар тўплами.Т.: 1999.
5. Беруний, Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
6. Бегматов А. Бир мазҳаб тарихи. Т.: 1997
7. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.

8. “Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи” махсус курсни ўрганиш бўйича методик тавсиялар. Т., 1999.
9. Жўраев Ш. Бузғунчи даъватчилар. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
10. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. Т.: Маънавият, 2000.
11. Исломов З. С.Саиджалолов. Маҳмуд Замахшарий ва фикҳ илми. Т.: “Мовароуннаҳр”, 2011.
12. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000.
13. Каримов. А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари. Т.: “Мовароуннаҳр”, 2011
14. Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
15. Муқаддас динимизга юксак эътибор ва эҳтиром. Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
16. Раҳматов О. Огоҳлик - муқаддас бурч. Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
17. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик: унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак?. Т.: Янги аср авлоди, 2000.
18. Султонмуров Олим. Миллий мафкура - халқ таянадиган куч. Т.:Маънавият, 2000.
19. Уватов У. Имом Мотуридий меросининг моҳияти. Т.: Маънавият, 2000.
20. Уватов У. Аз-Замахшарий. Т.: 1994.
21. Шермухамедов К. Жаҳолат тўри. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
22. Юсупов О. Истиқлол ва миллий ғоя. Т.: Маънавият, 2000.

23. Ҳасанов А. Ислом тарихи. Ўқув кўл. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
24. Ҳуснидинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т.: Мовароуннаҳр, 2000.